

# Ислом КАРИМОВ:

## Ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради.

### Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!



# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2007 йил 11 декабрь ● сешанба ● № 50 (557) ● e-mail: inson\_va\_qonun@mail.ru

## 2008 йил — Ёшлар йили

## МИЛЛИЙ ГУРУР ВА ИФТИХОРИМИЗ РАМЗИ


Анжуман

Мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизини ташкил этади.

... «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмагида ёш тадбиркорларга 2 миллиард 500 миллион сўмлик микрокредит, ёш оилалар учун 1 миллиард 800 миллион сўмлик ипотека кредити, 1 миллиард 100 миллион сўмлик истеъмоладан кредитлар, шунингдек, олий ўқув юртимизда таълим олаётган талабалар учун таълим грантлари ажратилди.

Жорий йил мобайнида 195 минг нафар йигит-қиз иш билан таъминланди, бир қанча вилоят ва туманларда ёшлар марказлари ташкил этилди.

Жорий йил мобайнида 15 та махсус мактаб-интернат ва «Меҳрибонлик» уйларида жами 4 миллиард 800 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилди.



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ оingan сурат



**«Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир».**

Унга биноан Давлат мадҳияси тантанали байрамлар, сиёсий чиқишлар, расмий давлат қабуллари, ҳарбий парадлар, муҳим меъморий ёдгорликлар — ҳайкалларнинг очилиши, аҳамиятли митинглар, тарихий саналарга бағишланган йиғинлар, йирик байналминал ва миллий қадриятларга бағишловлар, давлат раҳбарларини кутиб олиш ва кузатиш, ҳарбий қасамд қабул қилиш, халқаро олимпиада мусобақалари ва бошқа миллий манфаатларимизни намойиш этиш чоғларида тантанали ижро этилади. 15 йилдирки, Ўзбекистон Давлат мадҳияси гурури ва ифтихоримиз рамзи бўлиб янграмоқда, кишиларимиз қалбида эл-юртга садоқат, ватанпарварлик туйғуларини жўш урдирмоқда. Зеро, Давлат мадҳиясига юксак эҳтиром билан қараш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчига айланган. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамга, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шухрати, гурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштирди, мана шу рамзларни эъзозлаш ўзининг кадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишонч мустаҳкамлаш демаскидир...»

Кеча Адлия вазирлигида Давлат мадҳияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишлаб мазкур вазирлик ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ўтказилган анжуманда ҳам шулар хусусида сўз борди. «Давлат мадҳияси — мустақиллик рамзи» мавзусида бўлиб ўтган ушбу анжуманда таниқли шоир ва адиблар, олимлар, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирликлар, олий ўқув юртли масъул ходимлари, халқаро спорт мусобақалари ғолиблари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар. Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбарининг ўринбосари Султонмурод Олим, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев ва бошқа таниқли олимлар Давлат мадҳиясининг яратилиши, унинг тарихий аҳамияти, бунёдкор халқимизни ягона олий мақсад йўлида бирлаштурувчи маънавий қудрати, ёш авлодга она юртга садоқат руҳида тарбиялашдаги беқиёс ўрни ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Тадбир иштирокчилари Мадҳиянинг халқ ва давлат ҳокимияти ифодаси, мақсади, интилишлари ва ривожланиш йўлининг мазмунан бирлигини, давлат тузумининг энг муҳим хусусиятларини акс эттиришини таъкидладилар. Ўсиб келаётган ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, унинг буюк келажагига ишонч туйғуларини мустаҳкамловчи муҳим восита эканлигини эътироф этдилар.

Адлия вазирлиги Матбуот хизмати

Ота фарзандини эркалатмоқчи бўлса, қўлига олиб даст кўкка кўтарари... Сен мөндан юксакда бўли Фарзандини кўкка кўтарган ота мөнинг қўлим өтмаган жойга сөнинг қўлинг өтсин, дөяётганга ўхшайди.

Елкадаги бола отасининг куч-қудратини туяди. Оёғи муаллақ, оёғини қаерга қўйишни билмаган одамнинг эса елкаси бўлмайди.

Давлатлар ҳам одамларга ўхшайди... Оёғи остидаги ер, пойдевори мустаҳкам Давлат ўз фарзандларига елка тутайди. Уларни пастда, оёқ остида қолдириб қўймайди. Келажаги учун қайгурган Давлатнинг елкаси кенг бўлади. Ўз эртаси, тақдир-сёмоли учун қайгурган Давлат ниманки эзгу ишга қўл урса, келажагини ўйлайди.

... Давлат ёшларга елка тутди...

Ёруғ келажақ учун яратилган, яратилаётган буюк бунёдкорликнинг мазмун-моҳияти ўлароқ 2008 йил Ўзбекистонда «Ёшлар йили» деб эълон қилинди.

Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимни ТВ орқали кузатиб, Президентимиз маърузасини тинглаган, маъруза матнини матбуотда синхронлаб ўқиган замондошларимиз 16 йиллик мустақил ҳаётимизнинг ҳеч бир куни, ҳеч бир соати-ю лаҳзаси ҳавога соврилмаганини яна бир бора ҳис қилдилар. Албатта, бу

ютуқларнинг ҳар қайсисига осонликча эришаётганимиз йўқ. Биз ўз ютуқларимизни бирма-бир санаб ифтихор туйғанда, қайсимиздир нима бўпти десак, бу нотўғри!

Ворисларимиз учун обод, озоод Ватан қураямиз, уларга шу гуллаган диёр мерос деганда, қайсимиздир нима бўпти десак, бу ношукрлик! Тинчлик, хотиржамлик, осойишталик, барқарорликни сақлаш эвазига ёшларимиз дунё билан бўйлашаётми.

Бу дунёда биноат бўлганидан бери елкасидан қуроли тўшмаган миллатлар бор. Бу дунёда биноат бўлгандан

бери қўлидан қуролини қўймаган, хотиржамлик нима, осойишталик нималигини билмаган ёшларнинг неча-неча авлодлари умри ўтаётган миллатлар бор.

Дунёнинг аллақерлариди, шу рўйи заминда, тонгинг сокинлиги нималигини туннинг ҳаловати нималигини билмай, ҳис қилмай, ҳаёти, гул умри тўс-тўполон ичида кечаётган авлодлар бор...

Дўстдан кўра душмани кўп бу кўҳна дунёнинг давлатлараро манфаатлар тўқнашуви авжа чиққан бугунги олатасирли, таҳликали асрида, худо кўрсатмасин, қўқилсанг, йиқилсанг, турғизиб қўйишга кўмаклашиш ўрнига тепкилаб ўтгучилари кўп. Ана шундай даврда мустақиллиги йўлида собит туриб, ўмганини ўнглаб, кўксини тоғ этиб, жаҳон сиёсати саҳнида ўз макъби, ўрнини эгаллаган Ўзбекистон давлати нанки бугунги, балки эртанги кун, келажагининг ҳам мустаҳкам

пойдеворини ярата олди.

16 йил — тарих учун киприк қоқгулик лаҳза. Бирок шу «лаҳза»да биз ўзимизни дунёга танитишга улгурдик, бунёдкорлик салоҳиятимизни намоён қила олдик, бизнинг ўз манзил-мақсадимиз борлигини дунё тан олди. Энг муҳими, улкан-улкан иншоотлар яратиш билан бирга одамларимиз ўз қалбида, ботинида Ишонч Иморатларини ҳам тикладилар.

Қалбида Ишонч Иморатлари тикланган халқнинг ортидан куч-қудратли, навқирон авлод келаяпти. Президентимиз ўз маърузасида таъкидлагани қаби: «... ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради...».

Бугунги буюк куч — ҳозирги ёшларимизни мангулик мисолидаги мустақиллик дарахти меваларига қиёс этмоқ мумкин. Яхши ният билан қилинган эзгу ишларимиз самарасини кўраямиз. Замонавий, жаҳон андозаларига мос хос ўқув масканлари, спорт иншоотлари, ёш, соғлом, бақувват, руҳан барқамол авлод тарбияси йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз беиз кетмаяпти. Очиги, қайси-дир чекка қишлоқда воёга етиб, улгайган ўғлимиз ё қизимизнинг фан олимпиадасида жаҳоншумул ютуққа эришуви одатий ҳолга айланяпти — биз бундай хушхабарларга тобора кўникиб бораёямиз. Бундан қанчалик гурурланасак, истиқлол имкониятидан шунчалик фахр-ифтихор туймоқдамиз. Ёинки, ёшларимизнинг санъатда, спортда қўлга киритган муваффақиятлари замирида қадимда не-не даҳоларга, али-баҳодирларга бешик бўлган бу кўҳна

юрт бағрида бугун ҳам ота-боболарига муносиб ворислар воёга етаётганидан қувонамиз. Халқимизнинг «Оқдан дарё барибир оқаверади», деган пурмаъно гапида нақадар ҳаётий ҳақиқат сингиб кетганига иймон келтираемиз.

Президентимиз маъруза давомидида: «Биз истеъдодли фарзандларимиз билан, уларнинг жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат оламида эришаётган катта ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланамиз...», — дөя ёш укаларимиз, сингилларимиз салоҳияти, интидорини юксак даражада эътироф этди.

2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб аталиши замирида, униб-ўсиб келаётган ҳар бир ёш тақдирига, биз катталарнинг, барчамизнинг масъуллигимиз, фарзандлар камолоти учун нафақат оила, балки бутун

жамият даҳлдор эканлиги, ёш авлод тарбияси давлат сиёсати даражасидаги муҳим масалага айланганини кўриш мумкин. Ўз келажагига ишониб, ёшларига елка тутган, уларга буюк ишлар давомчиси сифатида ишонган жамият шундагина ўз фарзандларини ХХI асрнинг миллатимизга ёт турли хил мафзуравий таълиқлари, информацион хуружлари, демократияни демократиябозликка айлантирган шарттақилар кутқуси, эгоцентризмга хос хусусиятлар, вестернизация ва турли хил боло-қазо шаклидаги оқимлардан ҳимоя қила олади. Бу даҳри-дунда биз олий манзилларни қўлаб йўлга тушганмиз. Ҳаётимиз давомчилари бўлган ёшларимиз, албатта, бугунги йўлимизни давом эттирадиган. Буюк давлатимизнинг эртанги кунини ҳам шуларнинг измида!

Кўчқор НОРҚОБИЛ

## Муносабат ЕЛКАМИЗДА ВАТАН ЮКИ БОР

**И**стиқлолга эришганимиздан сўнг мамлакатимиз ҳаётининг сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий, маданий жабҳаларида, давлат қурилишида муҳим демократик ўзгаришлар юз берди. Яъни, юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамияти қуриш жараёни бошланди. Ушбу оламшумул эришларнинг тамал тоши 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияда ўз ҳуқуқий ифодасини топган эди. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун мустақил ўзбек халқининг озодлиги, эркинлиги ҳуқуқий кафолатланган кун бўлиши билан бирга демократик ҳуқуқий жамият қуриш йўлидаги илк қадам ташланган тарихий воқеа сифатида ҳам катта байрам қилинади.

Бу йўлда Ўзбекистон халқи қайси сиёсий, ҳуқуқий негиз ва тамойилларга таянишини аниқ равишда белгилаб олган бўлиб, бу негиз ва тамойилларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

**биринчидан**, жаҳоннинг маърифий ривожланган мамлакатлари эътироф этган инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғоялари ҳамда тамойилларига содиқлик; **иккинчидан**, ҳозирги ва келажак авлод олдига юксак масъулиятни англаш;

**учинчидан**, ўзбек давлатчилигининг бой тарихий тажрибасига таяниш;

**тўртинчидан**, демократия ва ижтимоий адолат тамойилларига содиқлик;

**бешинчидан**, халқаро ҳуқуқнинг бутун ҳақонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш;

**олтинчидан**, Ўзбекистон фуқароларининг фаровон ҳаёт кечирishларини таъминлаш;

**еттинчидан**, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш;

**саққинчидан**, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатлигини кафолатлаш.

Конституцияда халқимизнинг иродаси акс эттирилган бўлиб, ҳуқуқ ва манфаатларимизнинг қонуни ҳамда ҳимоялашни кафолатлаб берилган. Шунинг билан бирга, Бош Қомусимиз халқимизнинг Асосий Қонуни сифатида ўзида одилона демократик тамойилларни акс эттирди ва мустақиллик ғояларини ҳуқуқий кафолатлади.

Асосий Қонунда мамлакатимизда жамият ва давлат қурилишининг тамойиллари аниқ ифодалаб берилди, давлат ҳокимиятининг қонуни чикарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши муҳим тамойил сифатида белгиланди. Энг аҳамиятлиси — инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқий меъёрлардан устуңлиги, барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлилиги шароитида хусусий мулкнинг бошқа мулк шаклларидаги устувор эканлиги конституциявий асосда мустаҳкамлаб кўйилди. Мухтасар қилиб айтганда, Конституция мустақил Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат тузилиши, энг аввало, қонуңчилик тизимини шакллантиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлди.

Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигига 15 йил тўлди. 15 йил миллий қонуңчилик тарихида ўзига хос бир даврни ташкил этади. Бу даврни миллий қонуңчилик тизими ташкил топган, шаклланган, ҳуқуқий ислохотлар, қонуң ижодкорлиги кўникмаси, тажрибаси вуждга келган давр, деб бемалол айтишимиз мумкин.

Қонуң устувор бўлган жамиятимиз тараққиётга хизмат қилувчи миллий қонуңчилигимизнинг шаклланиши ҳам конституциявий тамойиллар асосида рўйбга чиқди. **«Бирорта ҳам қонуң ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас»** — Бош Қомусимизнинг 16-моддасида қайд қилинган бу қоида мустақил мамлакатимизнинг қонуң чикарувчи, ижро ҳокимияти ва суд ҳокимияти фаолиятида дастурулаб бўлиб келмоқда. Қонуң ижодкорлиги борасида тўпланган тажрибалар, ҳаётга татбиқ этилаётган қонуңларнинг мазмун-моҳияти Конституциянинг халқчиллиги ва ҳаққонийлигини намоён этиб, мамлакатимиз тараққиётда муҳим асос бўлмоқда.

Конституцияда халқимизнинг адолатли жамият барпо этиш борасидаги интилишлари, орзу-уйларни, хоҳиш-иродаси, эзгу истаклари мукаммал ифодаланган. Бугунги кунда Конституциянинг истиқлолнинг буюк тисоли сифатида халқимизнинг мўътабар ижтимоий-ҳуқуқий кадриятига айланди. Бу масаланинг ўта муҳим жиҳати шундаки, Конституциянинг барча қоидалари ҳуқуқий давлат ва фуқаровий жамият барпо этишга йўналтирилган. Унда ҳуқуқий давлатчиликнинг асосий тамойил ва белгилари ҳамда ижтимоий адолат принциплари мустаҳкамланган.

Барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва қонуңларга асослангани, қонуңлар эса, ўз навбатида, Конституцияга мос бўлиши талаб қилинади. Қонуң олдида

ҳамма фуқаролар тенглиги, ҳар бир фуқаронинг қонуң устуворлигини тан олиши қатъий қоида сифатида белгилаб кўйилган.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда «... Юртимизда амалга оширилган том маънодаги тарихий ишлар, мамлакатимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгариб бораётган ислохот ва янгиланиш жараёнлари замирида, аввало, Конституция мизнинг принцип ва талаблари турганини кўриб, кузатиб келмоқдамиз», деб таъкидлади.

Турмушимизда Конституциянинг ҳаётбахш кучи, барқарорлаштирувчи таъсири қундан-қунга ортиб бормоқда. Шақ-шубҳасиз, Асосий Қонунимиз жамиятни бирлаштирувчи, кенг оммани ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантирувчи муҳим омилига айланган. Бу эса ўз навбатида, ижтимоий тараққиётга эришишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Конституцияси олий даражадаги ҳужжат сифатида давлатимизнинг қиёфаси, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузуimini, ислохотларнинг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини ҳамда маънавий кадриятларимиз асосини мустаҳкамлаб берди.

бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги амалдаги қонуң ҳужжатлари мониторингини институти томонидан амалга оширилаётган ишларнинг ижобий натижаларини кенг жамоатчилик эътироф этмоқда. Юртимизда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари учун ҳар томонлама шароит ва имкониятлар яратилаётгани фуқаролик жамияти қуришга қаратилган эзгу мақсадларимизга уйғун кечаётир.

Бош Қомусимизнинг 7-моддасида, **«Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонуңлар ваколат берган идоралар томониданга амалга оширилади»**, дея таъкидланади. Шунинг билан бирга, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга қаратилган эзгу мақсадларимизга уйғун кечаётир.

... Юртимизда миллий давлатчилик, эркин ва обод жамият қуриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудратини, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида қандай улкан марраларни кўлга киритган бўлсак, буларнинг барчасига Конституциямиз белгилаб берган йўл-йўриқларни оғишмай амалга ошириш натижасида эришаётганимизни мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Ислом КАРИМОВ

давлат халқ иродасини ифодалайди ва унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат сиёсатини халқнинг хоҳиш-иродаси белгилаб беради. Мазкур сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистондаги барча фуқароларнинг фаровон турмушини таъминлашга қаратилганлиги билан ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Унинг тузилиши жиҳатдан мазмуни инсон — жамият — давлат йўналишида

Мамлакатимизни дунё тан олди, халқаро майдонда нуфузга эга бўлиб бормоқдамиз. Бундай муваффақиятлар замирида Конституция миз муҳим аҳамият касб этганини ҳис қилишимиз лозим. Яъни Бош Қомусимиз орқали Ўзбекистонда барча миллат ва элатларнинг ўзаро дўстлик, биродарлик, ҳамкорликда яшашларига ҳуқуқий асос яратилган.

Бу фикрнинг исботини биргина 8-модда мисолида ҳам кўришимиз мумкин: **«Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади»**.

Шунинг билан таъкидлаш жоизки, мазкур моддада қайд этилган қоида бошқа бирор бир давлат Конституциясида учрамайди. Унда Конституция даражасида «Ўзбекистон халқи» тушунчасининг таърифи баён этилган бўлиб, Ўзбекистонда туғилган, унинг замирида истиқомат ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий ва ирқий мансублигидан, эътиқодидан қатъи назар, республикамизнинг тенг

қонуний асослари мустаҳкамланди. Жумладан, **«Ижтимоий ҳимоя йили»** Давлат дастури бўйича йил мобайнида 26 та қонуң ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ижтимоий ҳаётимизда шақ-шубҳасиз, ўта муҳим ўрин туздиган, инсонпарварликнинг юксак қирраларини акс эттирган, халқпарварлик мезони сифатида юксак аҳамиятга эга **«Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»**ги, **«Ҳомийлик тўғрисида»**ги, **«Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида»**ги Қонуңларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Президентимиз таъбири билан айтганда: **«...Мустақил тараққиёт йўлиимизнинг негизига турган машҳур беш тамойилдан бири кучли ижтимоий сиёсат олиб боришдан иборатдир. Мустақилликнинг биринчи қунларида бошлаб амалга оширилаётган бу сиёсатнинг тасдиғи сифатида шунинг таъкидлаш керакки, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар давлатимиз бюджетининг умумий ҳаражатларининг нисбатан 2006 йилда 51,9 фоизни, 2007 йилда 53,9 фоизни ташкил этди. 2008 йилда эса бу кўрсаткич 54,6 фоиз даражасида белгилаб кўйилган...»**

Албатта, бундай кўрсаткичлар эса бошқа давлатлар таърибасида камдан-кам учрайдиган ҳол. Шундан кўринадики, Конституциямизда белгиланган инсонпарварлик ғоялари сингдирилган муқаддас қоидаларнинг ҳаётдаги амалий кўриниши халқимиз турмуш тарзи, давлатимиз фаолиятида яққол кўзга ташланмоқда.

Масалан, жорий йил мобайнида махсус мактаб-интернат ва меҳрибонлик уйларида жами 4 миллиард 800 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилди. 70 минг 580 та оилага қорва-моллари сотиб

дан зиёд ёлғиз кексалар, уруш ногирони ва иштирокчилари, фронт ортида меҳнат қилганлар, Чернобыль ҳалокатини бартараф этишда иштирок этган кишиларга 21 ярим миллиард сўм компенсация тўловлари амалга оширилди.

Хуллас, инсонийлик тамойилларини улуғлашни бош мақсад қилиб қўйган, бу тахлит эзгу тушунчаларни мужассам этиб, инсон кадр-қиммати, фаровон, бахт-саодатли яшаш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни энг олий кадрият сифатида эътироф этилган Конституциямиз қонуңларига тўла-тўқис амал қилаётган мамлакатимизда Инсон манфаати учун қайғуриш ҳаётий тарзда ўз ифодасини топмоқда.

Шунинг билан таъкидлаш жоизки, Давлатимизнинг инсонпарвар сиёсати миллий кадриятларимизга уйғунлашиб кетганлигини, қонуңларимизнинг мазмун-моҳиятида катталарга ҳурмат, кексаларни эъзозлаш, ёрдамга эҳтиёжманд кишиларга гамхўрлик қилиш каби фазилатлар мужассамлигини кўриш мумкин. Бу ҳолат инсонпарвар тамойилларга асосланган Бош Қомусимизнинг 39-моддасида ҳам акс этади: **«Ҳар ким қарганда, меҳнат лаъқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонуңда назарда тутилган бошқа ҳолатларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга»**.

Маълумки, мамлакатимиз ахли юрт тақдирини, Ўзбекистоннинг бугун ва эртанги истикболни учун жуда муҳим ва катта сиёсий тадбир — Ўзбекистон Президентини сайловига қизгин ҳозирлик кўрмоқда. Бош Қомусимизда мустаҳкамлаб қўйилган фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи кишиларимизнинг сиёсий фаолигини намоён қилишларига кенг имкон яратган. Уни шу пайтгача мустақил мамлакатимизда ўтказиб келинаётган демократик сайловлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Кўптартиявийлик муҳити, бирор партияга аъзо бўлмаган фуқароларнинг хоҳиш-иродасини инобатга олган ҳолда миллий қонуңчилигимиз ҳамда жаҳон андозаларига мос тарзда давом этаётган сайлов кампанияси айна пайтда қизгин паллага кирди. 23 декабрь кунин сайловчилар Конституциямиз асосида қабул қилинган демократик қонуңларимизда белгиланган ҳуқуқларини эркин намоён қилиб, ўзи танлаган номзодга овоз беради. Бу билан ҳар бир сайловчи жонон Ўзбекистонимизнинг бугунги ва келажак тақдирини белгилашда фаол иштирок этади. Шубҳасиз, бу ҳар бир фуқарога чексиз гурур, қувонч бағишлайди.

Ҳар қандай давлатнинг қиёфаси, обрў-эътибори унинг Конституцияси билан белгиланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомусдир.

Албатта, ҳаётимиз қомусида белгиланган муҳим тамойиллар, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятларининг инсон ва жамият ҳаётида барқарор акс этиши жамият аъзоларининг Конституцияни қанчалик билишлари, мазмун-моҳиятини тушунишлари, уларнинг ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. 1997 йилда қабул қилинган **«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»** кишиларимизнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилаётган бўлса, Президентимизнинг 2001 йил январь ойида эълон қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»**ги Фармойиши Бош Қомусимизнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ англаш, кенг тарғиб қилишда катта аҳамият касб этган муҳим ҳужжат бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини АҚШ, Буюк Британия, Франция, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хафсизлиги ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби нуфузли давлат ва халқаро ташкилотларнинг олимлари юқори баҳоладилар. Чунки Асосий Қонуни яратишда ҳам бой миллий тарихий-ҳуқуқий меросимизга таяниб ҳамда халқаро ҳуқуқнинг барча умумэтироф этилган қоидаларига, илгор демократик давлатларнинг конституциявий таърибаларига таянилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Конституциясини жаҳон сиёсий харитасида янги суверен давлат — Ўзбекистон давлати дунёга келгани, дунё сиёсати саҳнида умумбашарий ғояларни дадил илгари сураётгани, Ўзбекистон ахлини жаҳон ҳамжамияти ва дунё халқлари орасида ўз макенини мустаҳкамлаб бораётганини кўрсатувчи муҳим ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжатдир.

Абдуҳалим АХМЕДОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг биринчи  
ўринбосари

# КОНСТИТУЦИЯ: ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ҲУЖЖАТ

## У давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсати, тараққиётимизнинг стратегик йўналиши, фуқаролар эркинлиги ва маънавий кадриятларимиз асосидир

ташкил этилган. Бу эса, инсон манфаатларининг ҳар нарсадан устуң туриши давлатнинг асосий диққат-эътиборида эканлигини билдиради. Бу тушунча Конституциянинг 2-моддасида ҳам ўз ифодасини топган: **«Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар»**.

Дарҳақиқат, Конституциямиз — шу муқаддас заминимизда истиқомат қилаётган инсонларнинг дунёқароши, ўзаро муносабатлари, меҳр-оқибат, одабийлик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илму фанга интилиш, ор-номус каби эзгу фазилатларини ўзига асос қилиб олган. Бизнинг Конституциямиз янги замонавий ва эркин ҳаётимизнинг ҳар тарафлама ҳимоя этишимизга хизмат қилади.

**«Ўзбекистон Республикаси ўз худудида ҳам, унинг ташкарида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди»**, дея белгилаб қўйилган ҳам фикримиз далилидир (22-модда).

**«Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради, дейиш учун тўла асосимиз бор. Бугунги кунда Конституциямиз суверен давлатимизнинг қонуний-ҳуқуқий жиҳатдан шакллантиришнинг асоси бўлиб қолди»**, деган эдилар Президентимиз. Бунга яна қўллаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар бобида халқаро эталон сифатида қаралади. Маълумки, Асосий Қонуни мизда айнан мазкур декларациядаги, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактдаги, қолаверса, умумэтироф этилган ўттиздан зиёд энг муҳим халқаро ҳужжатлардаги муҳим қоидалар ўз ифодасини топган.

Шунингдек, Конституциянинг 18-моддасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари янада муфассал тарзда баён этилган: **«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонуң олдида тенгдирлар. Иштироқлар фақат қонуң билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адо-**

**Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.**  
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 14-модда

лат принципларига мос бўлиши шарт».

Жаҳон таърибасидан маълумки, инсоннинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини қатъий ҳимоя қилмасдан туриб, жамиятни демократлаштириш мумкин эмас. Халқимизнинг бой маънавий салоҳияти, унинг тасарруфида бўлиши улкан табиий бойликлар ва техникавий имкониятлар, тобора мустаҳкамлашиб бораётган халқаро алоқалар демократик ривожланиш ҳамда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш имконини бермоқда. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, айниқса, ижтимоий муҳофаза этиш борасидаги умумдунёвий жараёнларда фаол иштирок эта бошлады.

Инсон ҳаёти, кадр-қиммати устувор саналган мамлакатимизда ижтимоий муҳофаза масаласи барча асосий йўналишларимизнинг буш мақсади қилиб белгиланди. Бунинг учун энг аввало юртимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат ва бу борадаги ислохотларнинг биринчи навбатда

олиш учун тижорат банклари орқали 8 ярим миллиард сўмга яқин кредит ажратилди. 3 миллион 100 минг нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронлар учун ҳомийлик ва оталиқ ташкилотлари томонидан қарийб 9 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. Аънанавий тарзда давом этиб келаётган яна бир эзгу иш — мактабга илк қадам қўйган 485 минг нафар ўғил-қизларимизга 5 миллиард 157 миллион сўмлик ўқув анжомлари тўхфа этилди. 715 минг ўқувчи 17 миллиард 816 миллион сўмлик киши кийим-бош билан беул таъминланди.

Дастурда белгиланган муҳим вазифалардан бири — ижтимоий хизмат қириштириш тизимида ишлаётган, **«Меҳрибонлик»**, **«Саховат»**, **«Мурувват»** уйлари ходимлари меҳнатига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийларига хизмат қилувчи сиҳаттоҳлар ходимларига 15 фоизли устама ҳақ жорий қилинди. Хонадонларга бориб ижтимоий ёрдам кўрсатадиган ходимлар учун 230 миллион сўм, ногирон болаларни уйда ўқитиш учун 1,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой сотиб олиши, иморат қуриши, рўзгорини бутлашга қўмаклашиш мақсадида тижорат банклари томонидан 57 миллиард 500 миллион сўмлик ипотека ва истемол кредитлари ажратилди.

Кексалар, меҳнат фахрийларининг иззат-ҳурмати доимо улуғланди келаётган жамиятимизда Президентимизнинг **«Пенсионерларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармойиши асосан, фахрийларимиз учун жорий йил сўнггигача Пенсия жамғармасидан қўшимча равишда 20 миллиард 300 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Келгуси йил эса ана шу мақсадда 94 миллиард сўм ажратилиши мўлжалланмоқда. 480 минг-

# БОШ ҚОМУСИМИЗДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ВАКОЛАТЛАРИНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ

**М**амлакатимизда Конституция ва қонунларнинг мустуллуғини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди муҳим ўрин тутди. У ҳозирда мамлакатимизда энг муҳим сиёсий институтлардан бири бўлиб қолмоқда.

нинг нормаларига шарҳ беради. Конституция нормаларига шарҳ бериш орқали конституциявий нормаларнинг маъно ва мазмунини тушунишда бир хиллик ва барқарорликка эришилади. Негаки, улар ҳуқуқий давлатнинг асосларини ташкил этади ва бевосита кулланилиши керак.

туциявий суд Олий Мажлис палаталарининг қарорларига шарҳ бермаслиги таъкидланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддага мувофиқ, Конституциявий суд қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига ҳам эга. Бу ҳуқуқ Конституциявий суд томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон



Шу ўринда Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига ҳам шарҳ берадими — деган савол туғилиши мумкин. Ушбу саволга Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2006 йил 2 майдаги «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**»ги Қонунда қарор қилинган.

Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига мувофиқ, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунмаган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органларидир. Демак, Конститу-

Асосий Қонунимизнинг 16-моддаси иккинчи қисмида «**Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қонунларга зид келиши мумкин эмаслиги қайд этилган.** Айнан ана шу мақсад йўлида Конституцияимизнинг 108-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради. Суд ҳокимияти ҳужжатларининг Конституцияга қанчалик мослигини аниқлаш эса Конституциявий суд ваколатига киритилмаган, яъни Конституциявий суд бундай ишларни кўриб чиқмайди. Суд ҳокимияти органлари ҳужжатларининг қонунийлиги юқори суд инстанциялари томонидан назорат қилинади.

тартиби, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан шунингдек, 1995 йил 30 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида**»ги Қонун ва Конституциявий суднинг 2004 йил 30 январдаги қарори билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Регламенти билан белгиланган. Конституциявий суднинг ваколатлари асосан Конституциянинг ўзида белгиланган. Бундан ташқари, конституциявий принциплар ва нормалар «**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида**»ги Қонунда ривожлантирилган. Мазкур ҳуқуқий-норматив мезонларга мувофиқ Конституциявий суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўриб чиқди ҳамда Конституция ва қонунлар-

# КОНСТИТУЦИЯ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

**Д**арҳақиқат, Ўзбекистон мустақиллиги даврида демократик тараққиётнинг асосий механизмларидан бири сифатида кўппартиявийлик тақомиллаштирилмоқда. Чунки, сиёсий партиялар аҳоли муайян қатламларининг, фуқаролар ҳамда улар уюшмаларининг фикрини, нуқтани назорини ифодалашнинг муҳим демократик воситасидир.



Демократия эса сиёсий партияларнинг фаоллигини ва изчил тартибда фаолият кўрсатилиши тақозо этади. Демократиянинг энг муҳим белгиларидан бири, бу — ҳокимият вакиллари органларининг кўппартиявийлик асосида шакллантирилишидир. Республикаимизда сиёсий ҳаётни демократлаштириш борасида Конституциявий ҳуқуқий асос яратилди. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «**Жамоат бирлашмалари тўғрисида**», «**Сиёсий партиялар тўғрисида**», «**Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида**»ги Қонунларни келтириш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир партияда сайловларда иштирок этиш, ҳеч бир тўсиқларсиз фаолият кўрсатиш, ўз мафқурасини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш, ўз сафига кўнгилчиларни қабул қилиш имконияти туғилди. Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайди ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. «**Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминлаш мисаллари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошқора ҳисоботлар бериб турадилар**», — дея қайд этилган Конституцияимизнинг 60-моддасида. Дарҳақиқат, ҳозирда республикаимизда бешта сиёсий партия рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларини камраб олган ислохотлар натижаларини фақат қундалиқ турмушдаги ўзгаришлар орқали ҳис этаётган юрtdошларимизгина эмас, балки жаҳон ҳамжамияти ҳам кўриб, уларни жуда катта қизиқиш билан кузатиб бормоқда. Ушбу ислохотлар замирида жамият ҳаётини демократлаштириш ва либераллаштириш гоёси турганлиги учун ҳам Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли алоҳида эътирофга сазовор бўлмоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлатимиз ўз олдига қўйган кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишдек улғу мақсадларга эришиш учун барча ҳуқуқий асослар яратилди. Қолаверса, ҳозирги даврда сиёсий партияларнинг фаолияти ёшлар иштироки билан ҳам фаол иб бормоқда. Бу эса, эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг муҳим белгиларидан биридир.

**Гулнора ИНОМЖОНОВА,**  
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бўлими бошлиғи,  
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

**Х**усусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин. Дарҳақиқат, мулк жамиятнинг ривожланиши учун зарур манбадир ва мамлакатнинг иқтисодий негизини ташкил этади. Мулкнинг кимга тегишли эканлигига қараб жамият аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий ҳолати (статуси) бир-биридан фарқ қилади.

# МУЛК ҲУҚУҚИ ҲИМОЯСИ



Давлатнинг суверенлиги ҳам унинг мулки бўлиши ва мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқининг мавжуд эканлигига боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг «**Мулкчилик тўғрисида**»ги Қонунида «**Ўзбекистон Республикасида мулк дахлсиздир. Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли**», деб қайд этилган. Бундан кўринадики, мулк кимга — фуқаро, жамият ёки давлатга тегишли бўлишидан қатъи назар, ҳеч қачон ҳеч ким томонидан ноқонуний тарзда тортиб олиниши, мулк эгаси розилиги бўлмағи турби ундан фойдаланиш, мулкка нисбатан, тажовуз қилиш, эгасининг ўз мулкидан эркин фойдаланишида турли тўсиқликлар қилиш мумкин эмас. Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. Фуқаролар, ҳўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва

давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланадилар. Қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин. Фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли бўлган хусусий мулк, асосан улар манфаатлари учун хизмат қилади. Хусусий мулк объектлари турлари ва миқдорига биноан чегараланган бўлиши мумкин. Лекин бундай чегаралашга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилиши мумкин. Ўз мол-мулкдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида фойдаланиш мумкинлиги мулк эгасига берилган энг муҳим ҳуқуқлар

циявий суд нафақат вилоят бўғинидаги, балки барча кўйи бўғинлардаги халқ депутатлари Кенгашлари ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини назорат қилади. Шунинг айтиб ўтиш жоизки, «**Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида**»ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, Конституциявий суд кўриб чиқиши учун масала киритиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери, Олий Мажлис Сенатининг Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида турдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи, Олий Мажлис Сенати аъзолари умумий сонининг камида турдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий ҳўжалик судининг раиси ва Бош прокурори эгадирлар. Масала Конституциявий суднинг камида уч судьяси ташаббуси билан ҳам киритилиши мумкин. Фуқаролар Конституциявий судда кўриб чиқиш учун бевосита масалалар киритиш ҳуқуқига эга эмаслар, улар бунинг учун қонунга мувофиқ бундай ҳуқуққа эга бўлган, юқорида кўрсатиб ўтилган субъектларга мурожаат этишлари мумкин. Умиджон ГИЯЗОВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг эксперти

# Анжуман БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ



**7** декабрь куни Адлия вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишланган йилги бағиш бўлиб ўтди. Анжуманда инсонпарварлик тамойиллари, миллий ҳамда умуммиллий қадриятларга таяниб, халқаро андозаларга мос яратилган Конституциямиз мамлакат тараққиёти, фаровон ҳаёт қуриш йўлида мустақкам асос бўлаётганлиги таъкидланди. Конституцияимизнинг қабул қилиниши мамлакатимизда улкан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотларни кенг кўламда амалга оширилишига мустақкам асос бўлаётганлиги, бу ислохотлар халқимизнинг фаровон ҳаёт кечирини таъминлашга хизмат қиладиганлиги эътироф этилди. Шу билан бирга Бош Қомусимизда халқ хоҳиш-иродаси, эзгу истак ва интилишлари акс этганлиги қайд қилинди.



Фуқаро тадбиркорлик фаолияти билан юридик шахс ташкил қилиб ёки ташкил қилмасдан туриб шугулланиши мумкин. Иккала ҳолларда ҳам ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган мулк ҳисобидан жавоб беради. Хусусий мулк билан боғлиқ муносабатлар бошқача усулда тартибга солиниши ҳам мумкин. Масалан, ўз мол-мулкнинг бир қисmini улуш ёки пай сифатида ҳўжалик ширкатига, жамиятга ёки ишлаб чиқариш кооперативига топширган фуқаро ёки юридик шахс ушбу қисмга нисбатан мулк ҳуқуқини йўқотди ва тижоратчи бўлган ташкилот (жамият, ширкат, кооператив) мулк ҳуқуқига эга бўлади. Хусусий мулк субъекти бўлган фуқаро ва юридик шахс ўзларига тегишли мол-мулкдан ҳисса сифатида тижоратчи бўлмаган ташкилотлар (жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар, хайрия ва бошқа фондларнинг мол-мулкига ўтказишлари мумкин. Шунинг айтиб ўтиш жоизки, мулкдорлар ўз мулкига ўз хоҳишига қўра эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши ҳақидаги конституцион ҳуқуқлар қонунларимизда ҳам ўз ифодасини топган. Абдувоҳид ВАҲОБОВ, юридик фанлари номзоди, доцент, Мудассир САЙДАЗИМОВ, юридик фанлари номзоди, доцент

Байрам анжуманида бир гуруҳ юртдошларимиз қатори Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги байрами арафасида давлат мукофотларига сазовор бўлган Адлия вазирлиги тизимида меҳнат қиладиган совриндорларга ушбу мукофотлар топширилди. Шунингдек, байрам тадбирида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги муносабати билан адлия идораларидаги самарали меҳнатлари учун бир гуруҳ ходимлар вазирлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар. Дилором МАТКАРИМОВА, «Инсон ва қонун» мухбири. \*\*\* Суратларда: тадбирдан лавҳалар. Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар

# МЕРОС МУНОСАБАТЛАРИ

**Б**озор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган мамлакатимиз иқтисодийнинг негизини ташкил қилган турли мулк шакллорининг ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этилиши Конституцияимизда кафолатланган. Мулк ва мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи объектлардан бири — мерос ҳуқуқидир. У хусусий мулкни, мулкнинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қилиш, уни мустақкамлаш воситаси ҳисобланади. «Мерос ҳуқуқи» қонун билан кафолатланади. Ҳар бир шахс Конституцияда белгиланган берилган иқтисодий ҳуқуқларидан фойдаланиб, мулкдор бўлишга ҳақлидир. Мулкдор мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Ҳар бир шахс ўзи ҳаётлигида мулкни ўзи тасарруф қилди ва вафот этганидан кейин мулкнинг тақдирини қандай бўлишини олдиндан белгилаши ҳам мумкин. Мулкдор ўз мулкнинг ўзи вафот этганидан кейинги тақдирини мерос (ворислик) ҳуқуқи ёрдамида амалга оширади. Яъни, ўз эркига қўра нотариал тартибда ёки нотариал ҳаракатларга тенглаштирилган шаклда васиятнома тузиб, ворис тайинлайди. Васиятнома тузган шахс исталган вақтда уни ариза бериш

тасарруф қилиниши ҳақида васиятнома қолдирмаган бўлса, қонун бўйича ворислик вужудга келади. Қонун бўйича меросхўрлар доираси Фуқаролик кодексининг 1135-1139-моддаларида наватлар бўйича белгилаб қўйилган бўлиб, улар мерос қолдирувчининг авлодлари, оила аъзоларидир. Мерос қолдирувчи васият бўйича ворисни ўз эрки-хоҳишига асосан қонунларда белгиланган тартибда васиятнома тузиш орқали тайинлайди. Васиятнома бўйича ворис қонун бўйича меросхўрлар доирасига қирадиган ёки қирмайдиган шахслар, ҳаттоки юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин. Қонун меросхўрларнинг меросдан воз кечиш ҳуқуқини ҳам белгилаган. Лекин мероснинг муайян қисмидан воз кечишга йўл қўйилмайди. Агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёхуд меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади. Агар кейинчалик қонун бўйича меросхўрлар ҳозир бўлсалар, мулк эгасиз деб

топилган ҳолларда бу қарорни бекор қилиш ҳақида судга ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Меросхўрларнинг ҳуқуқлари суд томонидан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «**Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида**»ги 2000 йил 22 декабрдаги 33-сонли қарориди судлар Ўзбекистонда мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланиши, мулкдорнинг мулкка ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши тўғрисидаги ҳуқуқларнинг бузилиши юзасидан келиб чиққан низоларни ҳар тарафлама, тўлиқ, ҳолисона кўриб, қонунчиликка қатъи амал қилган ҳолда адолатли қарорлар чиқаришлари лозимлиги таъкидланган. Шунинг айтиб ўтиш жоизки, Асосий Қонунимиз ва унга асосан чиқарилган қонун ва меъриий ҳужжатлар юртимизда мерос ҳуқуқи кафолатланишига хизмат қилиб келмоқда. Раъно ҲАҚБЕРДИЕВА, Республика юристлар малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси

Юртимизда байрамлар, нишонланадиган саналар кўп. Улар орасида озода ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни ўзида тўла акс эттирган, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида ўз эътирофини топган. Бош Қомусимиз қабул қилинган кунни нишонлаш ҳар йили ўзига хос тантананага айланади. Бу бежиз эмас, албатта.

## ПОЙДЕВОР



Халқимизнинг азалий орзуси саналмиш мустақиллик билан Конституцияни бир-биридан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Бош Қомусимизда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари, давлат ҳокимияти халқ манфаатини кўзлаши, халқ

номидан фақат Олий Мажлис ва Президент иш олиб бориши, давлат ҳокимиятининг тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан иборатлиги сингари қатор тамойиллар белгилаб берилган. Шундай экан, Конституция юрти-

мизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, катта-ю кичикнинг тақдирига бевосита дахлдордир.

Туманимиз асосан сабзавотчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган. Мустақиллик ва Конституция шарофати билан деҳқонлар ернинг ҳақиқий эгасига айланди. Қасбим тақозосига кўра, улар ҳар кун ҳузуримга келишади. Фермер хўжалиги, деҳқон хўжалигига доир ҳужжатларни тайёрлаш, нотариал тартибда расмийлаштиририш юзасидан ёрдам сўрашади. Шундай паллада хаёлимдан биз бир пайтлар ким эди, ҳозир қиммиз, деган фикр кечади. Бугун деҳқон ернинг ҳақиқий эгаси, мулкдор. У эркин яшаш, ишлаш, ўзи етиштирган маҳсулотни эркин тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Бундай имконият ва ҳуқуқлар инсон учун азиз неъмат.

Халқимиз буюк ишларга қодир, ўтган йиллар бундан амалда исботлади. Келажакда янада фаровон турмушнинг барпо қилинишида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси маёқ бўлиб қолаверади.

Хасан АБДУЛЛАЕВ,  
Тойлоқ туманида  
хусусий амалиёт билан  
шугулланувчи нотариус

## ХАЛҚ ХОҲИШИ

Бу дунёда қиммат инсонга ўзи нима керак? Бу саволга жавоб топшиш қийин эмас. Дунёнинг тинчлиги, дўстона халқаро муносабатлар, оиладаги хотиржамлик, тан сўхатлик, фарзандлар қамоллини кўриш, дастурхоннинг тўқиллиги, меҳнат қилиш ва унинг ортидан бахтли ҳаёт кечириш. Мана, инсонни қизиқтирган омилар. Бундан бир сўз билан халқнинг хоҳиш-иродаси дейилса, тўғрироқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқнинг ана шу хоҳиш-иродасини ифода этган. У бошдан-оёқ адолат тамойили билан йўғрилган. Инсоният кашф этган энг улғу, муқаддас ҳужжат сифатида эл орасида эъзозланаётганлиги ҳам шундан. Чунки, Конституция инсон онги, билими, тажрибаси, маънавияти ва маданияти, қолаверса, тарихий мероси маҳсулидир.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин барча жабҳаларда ислохотлар самарали кечди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қонуларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлашда давлат нотариал идоралари нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариуслар хизмат кўлами ҳам кенгайди.

Туманимизда саккизта фуқаролар йи-



ғини бор. Уларнинг оқсоқоллари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бораёмиз. Мақтаблар, коллежлар ўқувчи-ёшларининг ҳуқуқий билимларни пухта ўрганишига кўмак бераёмиз. Буларнинг ҳаммаси Бош Қомусимизда белгиланган меъёрлар доирасида олиб борилмоқда.

Музаффар ҚУДРАТОВ,  
Самарқанд туманида хусусий  
амалиёт билан шугулланувчи  
нотариус

# SAVDOGAR BANK

## Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Ўзбекистон — Германия «Савдогар» акциядорлик-тижорат банки жамоаси юртимиз аҳолиси даромадларини улар манфаатларига мос равишда ошириш мақсадида ўзининг қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

- «Янги йил совғаси» муддатли омонати — йиллик 26%, 1 йил муддатга, минимал миқдор — 500 000 сўм.
- «Олтин куз» муддатли омонати — йиллик 25%, 90 кун муддатга, минимал миқдор — 200 000 сўм.
- «Антиқа» муддатли омонати — йиллик 25%, 180 кун муддатга, минимал миқдор — 500 000 сўм.
- «Оқ олтин» муддатли омонати — йиллик 25%, 30 кун муддатга, минимал миқдор — 50 000 сўм.
- «Фаровон ҳаёт» пластик карточка омонати — йиллик 16%, минимал миқдор — 10 000 сўм
- Чет эл валютасида, АҚШ доллари ёки еврода, 1 йилдан кам бўлмаган муддатга омонат йиллик 3%, муддатсиз омонат йиллик 2%, минимал миқдор 100 АҚШ доллари ёки 100 евро

Мамлакатимиз осмони мусаффолиги, эл-юрт маъмурчилиги абадий бўлсин!

Сиз азизларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлаймиз!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри,  
Саид Барака кўчаси, 78-уй.  
Телефонлар: 281-30-29, 254-18-65  
Web site: www.savdogarbank.uz  
E-mail: info@savdogarbank.uz

## Республика Акциядорлик Тижорат Банки «ГАЛЛАБАНК»

жамоаси юртдошларимизни  
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги билан муборакбод этади ва банкда қуйидаги янги омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қилади:

«QOMUS» — 2 ой - йиллик 28 %  
«BAYRAM» — 3 ой - йиллик 26 %  
«UMID» — 15 ой - йиллик 25 %

Мазкур омонат турларига маблағ 2007 йилнинг 31 декабрига қадар қабул қилинади. Шунингдек, «Галлабанк» барча турдаги хўжалик субъектлари раҳбарларига

Ходимларга ўз вақтида, қулай тарзда маош тарқатиш


Тўловлар бўйича ҳисоб ишларини енгиллаштиришга

қўмаклашни мақсадида банкнинг пластик карточкалар орқали «Иш ҳақи» лойиҳасидан фойдаланишни таклиф қилади.

Маълумотлар учун телефонлар:  
133-71-72, 136-74-30, 133-98-80

Галлабанк хонадонингизга барака келтирсин!

## “Ўздонмаҳсулот” АК



ҳаётимиз қомуси - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан барча юртдошларимизни табриклайди.

Адолат ва қонун устувор мамлакатимиз мустақиллиги боқий, юртимизда тинчлик барқарор бўлсин!

# УМИДЛАР ИФОДАСИ

**М**амлакатимизда Конституция қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тадбирлар Президент сайлови сиёсий тадбирлари билан қўшилиб, ажойиб манзара касб этмоқда, яъни бу фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллиги беқиёс ошганлигини, ўз Ватани тақдири учун улур мақсадларга астойдил интилишини ифодаламоқда.

Мустақил тараққиёт, бозор тамойилларига асосланувчи янги жамият, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш стратегияси ишлаб чиқилган дастлабки кунларданок ислохотларнинг бош мақсади – фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун қулай ҳамда фаровон ҳаёт шароитини яратиш, ҳеч кимдан кам бўлмаган буюк келажакни барпо қилиш эканлиги аниқ-равшан кўринди.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маърузасида қайд қилингандек: "... Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашга қаратилган дастурий вазифаларни бажаришда биз миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашга, ҳалқимизнинг асрлар давомида шакланган менталитетига ҳурмат билан муносабатда бўлишга катта эътибор қаратдик".

Жамиятни янгилаш, мамлакатни модернизация қилишга қаратилган туб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотларни амалга оширар эканмиз, бу ишларимизнинг барчаси ҳалқимиз манфаатлари йўлида қилинаётгани ва уларда ҳалқимизнинг бевосита, кенг миқёсда

иштирок этаётгани диққат марказимизда бўлди.

Жамиятимиз тараққиётини белгилаб берувчи тарихий масалаларда, умумхалқ референдумларида давлат органлари тизимини янгилашга оид тадбирлар, иқтисодий ёки ижтимоий масалалар соҳасида жиддий қарорлар қабул қилинар экан, буларнинг барчасида ҳалқимиз орзу-умидлари, манфаатлари асос қилиб олинган.

Зеро, Ўзбекистонда ҳалқ – давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир ва ҳар қандай ҳокимият – у қонун чиқарувчи ёхуд ижро ҳокимияти бўладими ва ёки суд ҳокимияти бўладими, албатта, ҳалқ хоҳиш-иродаси, унинг эрки, манфаатларига асосланади.

Ўзбекистон ҳалқи давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи сифатида унинг турли даражадаги органларини ташкил этади, уларнинг конституциявий ваколатларини белгилайди.

Ҳалқ ҳокимияти амалга оширилишининг бутун жаҳонда тўла эътироф этилган ва ҳаёт синовидан ўтган шакли – умумхалқ сайловларидир.

Сайловларга оид қонунчилик базасининг яратилиши, уларни қўллаш, сайловлар чоғида фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини амалга ошириш юзасидан жаҳон таърибаси мавжуд ва бу таъриба инсон ҳуқуқларига оид халқаро принципларни қарор топтиришга, халқаро

ҳуқуқий ҳужжатларда акс этишига сабаб бўлди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йил 19 декабрда қабул қилинган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт»да сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларидан фойдаланиш орқали давлатни бошқаришда қатнашиш энг муҳим инсон ҳуқуқларидан бири эканлиги таъкидланган.

Мазкур Халқаро Пактни Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 30 августда ратификация қилган бўлиб, сайловларга оид миллий қонунчилигимизда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари демократик тамойилларга мос равишда белгилаб қўйилган.

Бугунги сиёсий ҳаётимизда сайлов кампанияси Ўзбекистоннинг демократик қадриятларга қай даражада содиқ эканлиги, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга нечоғлиқ ҳурмат-эътиром билан қарашини яна бир бор жаҳонга намойиш қилмоқда. Сайлов кампаниясида сайлов ва инсон ҳуқуқларига оид қонунларга сўзсиз ҳамда қатъий амал қилинишининг таъминлишига катта эътибор қаратилмоқда.

Сайловларда қатнашиш ҳар бир фуқарога шу она тупроқ, унинг ҳам она юрти эканлиги, ўз юртининг келажиги унга, куч-қудрати, яратувчанлик қобилиятига ҳам бевосита боғлиқ эканини қалбдан туйиш, фахрлишининг беқиёс имконини беради.

Шу Ватан барчамизники, унинг бугуни ва истикболи бизнинг, шу юрт кишиларининг тақдирига туташ.

**Й.ТУРСУНОВ,**  
ТДЮИ доценти,  
юридик фанлари номзоди,  
**С.МАҲАМАДАЛИЕВ,**  
ТДЮИ магистранти

**Ў**збекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан ўз фаолиятини намунали ташкил этган ФХДЁ бўлими мудирларини рағбатлантириш, уларнинг қонунга нисбатан юқори даражада муносабатда бўлишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъати ва қасаба уюшмаси қўмитасининг қарори билан тасдиқланган "Республика Адлия ва суд идоралари ходимлари кўрик-танлов тўғрисида"ги Низомга асосан ўтказилган тадбирнинг Навоий вилоят босқичида туман, шаҳарларнинг 10 нафар ФХДЁ бўлими мудиралари иштирок этди.

Танловнинг биринчи босқичида вилоят ФХДЁ бўлиmlарининг иш фаолиятларини акс эттирувчи альбомлар ўрганиб чиқилди. Бўлимларнинг 2006-2007 йиллар давомида амалга оширилган ишлари жадвал асосида таҳлил қилинди. Иккинчи босқичда эса мудираларнинг соф давлат

# «ЭНГ ЯХШИ ФХДЁ БЎЛИМИ МУДИРАСИ» АНИҚЛАНДИ



тилидаги нутқ маданиятига баҳо берилди. Шунингдек, тантанали никоҳ маросимини қайд этиш, бунда уларнинг ташқи қиёфаси, миллий либос танлашдаги маҳоратига

ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу жараёнларнинг барчаси жонли саҳна кўринишларида намойиш этилди. Учинчи шартда эса иштирокчиларнинг ҳуқуқий билими ва

маданияти синондан ўтказилди. Ва ниҳоят сўнгги шартда иштирокчиларнинг эркин мавзудаги саҳналаштирган бадиий кўринишлари баҳоланди.

Кўрик-танлов якунида навоийлик "Энг яхши ФХДЁ бўлими мудираси" аниқланди. Фолиблик Хатирчи туман Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси **Манзура Қўлдошева**га насиб этди. У мазкур соҳада кўп йиллик таъриба эгаси, юқори савия ва билим соҳиби эканлигини, чиройли нутқ маданияти билан юксак маърифат тарғиботчиси сифатида хурмат қозонганлигини намойиш эта олди.

**Маруса ҲОСИЛОВА,**  
«Инсон ва қонун»  
мухбири

# «СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?»

Пойтахтимиздаги 17-мактабда кўрик-танлов бўлиб ўтди

**М**актаб ҳаётида байрамлар, турли тадбирлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилиши ўқувчилар дунёқарошининг ортиб боришида алоҳида аҳамиятга эгадир. Айниқса, ўсмирларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш борасида ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамияти катта.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси



Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар

Конституцияси кун муносабати билан "Сиз қонунни биласиз-

ми?" кўрик-танловининг якунловчи туман босқичи бўлиб ўтди.

Танлов бошланишидан аввал мактабимиз ўқувчилари байрамга бағишлаб тайёрланган байрам тадбирини намойиш этдилар.

Куй ва қўшиқлар, Қомусимиз ҳақидаги шеърлар тадбирини янада жонлантирди. Пойтахт мактабларидан ташриф буюрган ўқувчилар ўзлари тайёрлаб келган деворий газеталар, саҳна кўринишлари, суд жараёнидан парчалар намойиш этдилар. Мактабимизнинг "Фемида" гуруҳи

туман босқичида 1-ўринни эгаллаб, шаҳарга йўлланма олди. Мактабнинг Хулкар Камолова, Шохбек Хўжаев, Алишер Нуманов, Акмал Ёқубов сингари 9-синф ўқувчилари ўзларининг ҳуқуқий билимлари юқори эканлигини намойиш этдилар.

**Хулкар АЛИМБЕКОВА,**  
мактаб директори  
ўринбосари

# «Қарши ёғ-мой экстракция»

## очик акциядорлик жамияти

### жамоаси

эркинлигимиз, гўзал

ҳаётимизнинг дастуриламали

– Асосий қонунимиз қабул

қилинганлигининг

15 йиллиги муносабати

билан барча юртдошларимизни

табриклайди.



Энг эзгу ниятларимиз  
ўз ижобатини топсин!

# «Хонқадон»

## очик акциядорлик жамияти

### жамияти жамоаси

ҳаётимиз Қомуси —

Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси қабул

қилинганлигининг

15 йиллиги муносабати

билан барча

юртдошларимизни

қизгин қутлайди.



Турмушимиз янада  
фаровон бўлсин!

# МАҚСАД – ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШ

Хар бир мамлакат ва жамият тарихида шундай улуг кунлар борки, уларнинг аҳамияти ва қадри давр ўтган сари ортиб бораверади. Халқимиз донишмандлиги, сиёсий ва ижтимоий-ҳуқуқий тафаккурининг самараси бўлмиш Конституциямиз қабул қилинган кун ана шундай тарихий саналар жумласига кирилади.

Асосий Қонун тимсолида дунё давлати давлат сифатида, халқни халқ сифатида танийди. Шунинг учун Конституция қабул қилинган кунни катта тантанасида нишонлаш халқимиз ва давлатимиз тарихидаги улкан ижтимоий-сиёсий воқеадир.

Зеро, Асосий қонунимиз халқ хоҳиш-иродасини, тафаккури ва маданияти даражасини кўзга қилиб, чунки унинг ишлаб чиқиши ва муҳофазасида халқимиз фаол иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз халқ тафаккури ва ижоди маъсулидир.

Давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар ташкилати Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маърузасида таъкидлаганидек, **“Бизнинг Қонунимиз демократик конституцияларга қўйилган юксак талабларга жавоб беради, инсон ҳақда фуқароларнинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини қамраб олади.”**

Дарҳақиқат, давлатимиз Конституцияси фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ҳусусиятига хос бўлган инсонпарварлик, демократия ва ижтимоий адолат, халқ ҳокимиятининг қонун чикарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши; Конституция ва қонунлар устуворлиги; шахсий дахлсизлик; мулк дахлсизлиги; фикрлар хилма-хиллиги; фуқароларнинг миллатидан, динидан, иркидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлиги; барчанинг қонун олдида тенглиги; фуқаро ва давлатнинг бир-бирига нисбатан

сонининг асосий жинойий таъкиб этилиши ва шахсий ҳаётига аралаштиришдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳофазасига бўлган ҳуқуқнинг самарали муҳофазаси этилишини таъминлашга қаратилиб, мамлакатимизда собиқ совет тузумида жорий этилган тоталитар жинойий жазо тизимида чек қўйилди. Биз бу ўзгаришларни мамлакатимизда изчиллик билан амалга ошириладиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш жараёнининг давоми ва шу билан бирга Конституциямизда белгиланган асосий мақсадимиз – демократик давлат куриш сари муҳим қадам деб ҳисоблаймиз.

**“Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар”** деганда ҳар қандай мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи, фуқароларнинг қариганда, меҳнат лавқатини йўқотганда, шунингдек бовқусидан мажбур бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи, билим олиш, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи, илмий ва техникавий ижод қилдиришни қамраб оловчи қонунларнинг тушуниш лозим.

**“Сиёсий ҳуқуқлар”** бобида эса Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўз ижтимоий фаолиятларини митинглар, йиғилишлар ва намоёнлашлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқлари, қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат ташкилотларига уюштирилган оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқлари, ваколатли давлат органлари, муассасаларига ёки халқ вакиллари қарата, таъкиф ва шикоятлар билан муносабат қилиш ҳуқуқлари ва энг асосий, фуқароларнинг жамияти ва давлат ишларини бошқаришда бевоқиф ҳақда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи қамраб олинган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ҳамда ҳар қандай Ўзбекистон Республикаси Конституциясига **“Халқ ҳокимиятичилиги”**, **“Сиёсий ҳуқуқлар”**, **“Сайлов тизими”**, **“Жамоат бирлашмалари”** деб номланган алоҳида боблар киритилган.

Уларда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи – халқ эканлиги, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик жамияти ва давлат ишларини бошқаришда бевоқиф ҳақда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканликлари ҳақидаги қоидалар мустаҳкамланган.

Конституциявий қонунчиликда сиёсий партиялар ҳуқуқий мақоми, мақсад ва вазифалари аниқ белгиланган бўлиши улар фаолиятини юридик жиҳатдан қамраб олувчи бўлса, конституцияга сиёсий партиялар ролини оширишга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилгани улар фаолиятининг янги босқичга кўтарилишига, жамият сиёсий тизимидаги ўрни ва аҳамиятини янада оширишга хизмат қилди.

Хозирда Республикада 5 та, яъни Халқ демократик партияси, Адолат социал демократик партияси, Миллий тикланиш партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси, Ўзбекистон либерал демократик партияси фаолият қўраб келмоқда.

Конституциянинг 60-моддасида, сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифода этиши ҳамда ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тўзишда иштирок этиш ҳуқуқлари белгиланган.

Айнан шу моддада давлатимиз сиёсий тизимидаги плюрализм, яъни кўпқиррамли фаолиятли фуқароларнинг фаолиятини қамраб олиш ва давлат ишларини бошқаришда бевоқиф ҳақда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи қамраб олинган.

**Бахтиёр АТАМАТОВ,**  
**Тошкент вилоят адлия бошқармаси бошлиғи**

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишдек маъсулятчи бир даврда аҳолининг ҳуқуқий онги, билим ва маданиятини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг шахорчалар, қишлоқлар ва овул фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) томонидан айрим фуқаролик ҳолати додалотномаларини қайд этиш ҳамда нотариал ҳаракатларни амалга оширишга доир қисми ижро этилиши амалиётини ўрганиш натижалари ҳақида”ги қарори ҳам ана шундай фуқаролик жамияти куришининг асосий шартларига доир.

## ҲАЁТТИЙ ЗАРУРАТ



Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007-2008 йилларга мўлжалланган Харажат дастури 2-бўлим 8-банди ижросига қаратилган қўмита қароридан Оила кодексига фуқаролик ҳолати додалотномалари (туғилиш, никоҳ тузиши, никоҳдан ажраллиш, ўлим, оталиқни белгилаш) тўғрисида фуқаролик ҳолати додалотномаларини ёзиш, яъни ФХД бўлимига қўйиб бериш ҳуқуқлари фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) томонидан ҳам қайд этилиши мумкинлиги, фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари)нинг бу йўналишдаги фаолияти ФХД бўлимининг назорати остида амалга оширилиши (203-модда) белгиланган. Шунингдек, **“Нотариал тўғрисида”**ги Қонуннинг 25-моддаси ва **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”**ги Қонуннинг 14-моддасига биноан шахорчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг ра-

ислари томонидан аҳоли пунктида нотариус бўлмаган тақдирда васиятномаларни, ишончномаларни тасдиқлаш, мерос, мол-мулкнинг қўриқилиши ва айрим ҳужжатлардаги имзоларни шаҳодатлашнинг амалга оширилиши назарда тутилган бўлишига қарамастан, Андижон, Навоий, Фарғона вилоятларидаги ўзини ўзи бошқариш органларига қонунда белгиланган фуқаролар ҳуқуқдан фойдаланишига рухсат берилмаганилиги қайд этиб, бундай чекловни бартараф этиш кўрсати ўтилган эди.

Қоридидаги чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ҳаётга таъбиқ қилиш, албатта, аҳолининг ҳуқуқий билимини оширишни, айниқса, жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оксоқоллари) шахар «Маҳалла» жамағатлари раислари, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинлари оксоқоллари иштирок этди.

Вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Музроб Тилавовнинг

«Қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари томонидан нотариал ҳаракатлари ва фуқаролик ҳолати додалотномаларини қайд этиш тартиби» мавзусидаги маърузасида тадбирда қатнашганлар учун етарли тавсиялар берилди.

Вилоят «Маҳалла» жамағатлари раиси ўринбосари Абдураҳмон Қодировнинг маърузаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва уни такомиллаштиришни ўзига хос хусусиятлари» мавзусига бағишланди.

Музокараларда сўзга чиққан Қармана туман «Маҳалла» жамағатлари раиси Э.Эр-назаров, Нурота туманидаги «Сентоб» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси О.Нурбоев, Хатирчи туманидаги «Олчинобод» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ш.Облоқулов, Учкудук туманидаги «Мингбулак» овул фуқаролар йиғини раиси М.Муратов, Қонимех туманидаги «Учтубо» овул фуқаролар йиғини раиси Н.Жамуратов, нотариал идора нотариуслари С.Мамарайимов, М.Фозилова ва адлия бошқармаси маъсул ходими Н.Норматовлар амалдаги қонунлар доирасида мажбур нотариал ҳаракатларни ижро этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ва бу борадаги ўзаро ҳуқуқий ҳамкорлик тўғрисидаги таъкиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Келгусида туман, шахар марказларидан олисда яшайдиган фуқароларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, шаръий никоҳ туфайли тиббий қўриқдан ўтмаслик ҳамда оталиқ белгилаш ва ёлғиз оналик ҳолатлари қайд этилиши кўпайиши ҳолатларининг олдини олиш мумкинлигига эътибор қаратилди.

Семинар йиғилишида фуқаролик ҳолати додалотномаларини қайд этиш ҳамда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш борасида шахарча, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинлари раислари учун бундай ҳаракатларни амалга оширишни тартибга солишга номунавий нусхалар акс эттирилган услубий тавсиялар етказилиши таъкидланди.

Тадбирда вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Ж.Раҳмонов ҳамда вилоят Оксоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамағатлари раиси Д.Холмуллоевлар иштирокчиларнинг **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни моҳиятига доир саволларига жавоб берди.

**Диёрбек НУРМУРОДОВ**

Хар гал қўлимга Ватанимиз, халқимиз тақдирини, истиқболни, хоҳиш-иродаси муккасидан келиб чиққан – Ўзбекистон Республикаси Конституциясини олиб, ҳуқуқий билимимизга қўшимча қилишга эришдик. Халқимиз тарихи, урф-одати, анъаналарига асосланган ҳолда ўзалигимизни бор бўйича акс эттирган қонунимизни ўрганиб, қалбимизга жо қилишимиз керак. Чунки бу кутул манба республикамизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг ҳаёти мазмунига айланган қўли.

## ИСТИҚЛОЛ ИНОЯТИ

Асосий Қонунимизда биз ёшларга илм олиш ва ҳаётда ўз ўрнини тўпшида зарур бўладиган имкониятлар қамраб олинган. Олий таълим тизимидаги барча ўзгариш ва янгиликлар Конституциямиз туфайли рўйбга чиққанини фахр-иштихор билан таъкидлаш лозим. Талабалар қабул қилишда тест усулининг қўлланилиши, олий таълимда ўқитишни икки босқичда амалга оширилиши, таълим жараёнида интернет тизими имкониятларидан фойдаланиш, талабалар билимини назорат қилиб боришнинг рейтинг тизими жорий этилиши, ўқитувчилар касб мазоратини талабалар томонидан баҳолаб бориш имконияти яратилгани ва она тилимизда кўпоб ҳуқуқий адабиётлар, дарсликларнинг чоп этилаётгани таълим тизимида амалга оширилган тўп ислохотларнинг самарасидир.

Мамлакатимизда **“Таълим тўғрисида”**ги Қонун ҳамда **“Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”** буйича амалга оширилган ишлар бир қатор ривожланган мамлакатларда ҳам қизиқиш уйғотмоқда.

Зеро, **“Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”** жаҳон таълим стандартларига мос узлуқсиз таълим тизimini шакллантириш учун қулай шарт-шароит яратди. Таълим соҳасида олиб борилаётган ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати жамият тараққиётини таъминловчи устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилди.

Бугун юртимизда адолатли жамият барпо этиш йўлида бекиб ўзгариш ва янгиликлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотлар марказида эртанги кун агалари – ёшлар турибди. Дарҳақиқат, салохияти юксак, озу-ниятларини қалбига жо этган билимли ёшлар бор юртининг эртанги кунини ёруқ бўлади. Айни пайтда ёшларнинг баркамол, билимли ва юксак савиядаги қадрлар бўлиб етиштирилиши учун ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар давлатимиз ва жамиятимиз пойдеворини янада мустаҳкам бўлишига замин яратилаётганидан далолатдир.

Мамлакатимизда таълим тизими ҳар жиҳатдан жаҳон андозалари талаблари даражасида ташкил этилган кўпоб янги мактаб, лицей, коллежлар қурибди, замонавий ўқув технологиялари жорий этилди. Энг муҳими, ёшлар жаҳон тараққиёти жараёнининг бевоқиф иштирокчисига айланиб бормоқда. Таълим муассасаларида хорижий ташкилотлар ва мутахассислар кўмағида фаолият юритаётган ҳуқуқий ахборот кутубхонаси, инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази, юридик клиникалар орқали дунё қонунчилиги амалиёти билан яқиндан танишиб бориш имконияти туғилди. Шунингдек, ўқув муассасаларида электрон каталог, электрон манбалардаги ахборотлар, интернет хизматидан фойдаланиш, захира манбалар буйича мазнларни танлаш хизматлари йўлга қўйилган. Ёшлар интернетга ўз сайтларини очиб, хорижий ўқув юрталари талабалари билан бевоқиф мулоқотга киришмоқда.

Хуллас, биз ёшлар учун халқаро таълим андозалари даражасида билим олиш учун барча имкониятлар яратилган. Бинобарин, бундай бахтга истиқлол инояти – Конституциямиз ҳуқуқий асос яратиб берди.

**Баходир ҲАЙДАРОВ,**  
**ТДЮИ магистри**



## СЎЗ ЭРКИНЛИГИ

Ҳа, 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат Конституциямиз ўзининг мазмун, моҳияти билан инсонпарварлик тамойиллари асосида яратилган. III бобда Конституция ва қонуннинг устуқлиги акс этган бўлса, «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар», «Оила», «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларнинг қамраб олиниши» каби бобларда эса инсонпарварлик ва оилавий муносабатларнинг ўзининг хос жиҳатлари ўз ифодасини топган.

Яна бир жиҳат – Конституциямизнинг 66-моддасида бошқа халқларнинг Конституциясидан фарқ қиладиган инсонпарварликнинг бир жиҳати борки, унда **“Воёғ етган, меҳнатга лавқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамжўрлик қилишга мажбурдирлар”** деб, алоҳида белгиланган.

Мен бўлажақ журналист сифатида шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Конституциямизда оммавий ахборот воситалари, шунингдек, сўз эркинлигига ҳам алоҳида урғу берилганки, бу омилар ҳуқуқий-демократик давлат куриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг ҳаётий мисолидир. Конституциямизнинг 67-моддасида **“Оммавий ахборот воситалари эркиндир. Улар ахборотнинг тўғрилги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўқ қўйилмайди”**, дейилган. Шу боис ҳам республикамизда оммавий ахборот воситаларининг эмин-эркин фаолият юритиши учун имкониятлар яратилган. Хозирда республикамизда мингга яқин газета, журналлар чоп этилмоқда.



Давлат тасарруфидидаги 4 та телерадиоканал, нодавлат тизимидаги ўнлаб телестудия, радиостанциялар мунтазам равишда ўз кўрсатув, эштитиришларини кенг омма эътиборига ҳавола этмоқда. Республикамиз аҳолиси мазкур оммавий ахборот воситалари орқали ҳар кун мамлакатимиз ва хорижда рўй бераётган муҳим янгилик, хабарлардан воқиф бўлаётганлар. Бундан ташқари, матбуот, телевидение, радио республикамизда босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий, маънавий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунириб бериш борасида катта ишлар олиб борапти.

Айтиш жоизки, ОАВнинг эркин фаолияти Конституциямизда белгиланган кўпоб имкониятлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Мадина ҲАМДАМОВА,**  
**ЎЗМУ магистренти**

## ЮРТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Асосий Қонунимизнинг энг муҳим хусусияти шундаки, унда инсонни улуғлаш, унинг фаровон, эркин ҳаёт кечириши учун реал шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Албатта, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси, аввало, унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, онги ва маданиятини акс эттирилади. Шу маънода, Ўзбекистон Конституцияси – Ўзбекистон халқининг сиёсий донолиги ва тафаккури маъсулидир. Истиқлол йилларида давлат бошқарувиининг замонавий тизimini шакллантиришга эришилди. Бу эса Президи-

дентимизнинг демократик жамият асослари куришга қаратилган қатъий, изчил сиёсатининг самараси сифатида рўйбга чиқди. Биз эркин жамият куриш йўлида қонунларимизга ўзгартишлар киритиб, фаолиятимизни шунга мослаб, жамиятимизни такомиллаштириб бормоқдамиз. Истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимиз, натижаларимиз, ўз навбати-

**Аскар ЗИЁВУДИНОВ,**  
**«Юнусобод деҳқон бозори» ОХЖ бошқаруви раиси**

## Ислохот самаралари

Равон йўллар азал-азалдан давлатларни давлатларга, халқларни халқларга, элларни элларга болғовчи энг муҳим воситалардан бири ҳисобланган. Чунки йўллар қадимда ҳам, ҳозир ҳам мамлакатлараро иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маънавий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келади. Агар озгина орта қайтиб, мазоига назар ташласан, **«Буюк ипак йўли»** тарихини варақласан, бу йўлнинг қадим Мовароуннаҳр тараққиётига қўшган мислиси кўмағига гувоҳ бўламиз.



## РАВОН ЙЎЛЛАР...

Шў ўринда яқин ўтмишдаги йўлларимизни ҳам бир ёдга олсан, фойдадан холи бўлмасди. Чунки кеча ва бугунги қиёслаш орқали истиқлол йилларида йўлсозларимиз қўлга киритган улкан ютуқларни бугун буй-басти билан кўз олдимизга келтиришимиз мумкин. Бундан ўн беш, ўн олти йил аввал мамлакатимиз пойтахтини гўзал Фарғона vodiисига билан болғовчи Камчик довои, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларига олиб борувчи Тахти Корача давонини бир кўз олдингизга келтириб. Авваллари бу доволардан ўтган ҳайдовчилар ўз машиналарини юракларини ховулаб бошқаришган. Ушбу доволарнинг айрим жойларида иккита машина қарама-қарши келиб қолса, бири иккинчисига йўл беришга мажбур бўлган. Бугун эса... Таърифта тилга оғиз, Худди шунингдек, халқаро аҳамиятга эга бўлган Тошкент-Самарқанд-Бухоро йўналишидаги йўллар ҳам бугунги бошқача манзара касб этди. Йўлларнинг текис ва раволиги, йўл четларидаги манзарали ва мевали дараклар, ранг-баранг гуллар киши баҳри дилини очиб юборади. Юрган саринг, яна юрган келаварида. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонлик йўл курувчилари ҳам аллақачон жаҳон андозаларига мос, кўрган кўзни қувватладиган йўллар куришининг ҳадисини олиб бўлишди.

Мана бир мисол. Яқинда Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Ашқобод шаҳарларини болғовчи М-34-йўлининг 73-83-километридаги Каттақўрган шаҳридаги айланма йўл курибди, фойдаланишга топширилди. Биз ана шу йўл курилишида қатнашган фидойий йўлсозлар ҳузурда бўлиб, улар билан суҳбатладим. «Авваллари халқаро аҳамиятга эга бўлган бу йўлнинг 10 километри Каттақўрган шаҳри ўртасидан ўтарди, – дейди биз билан суҳбатда Каттақўрган туман йўл ҳужалиғи пудрат таъмирлаш ва фойдаланиш қорхонаси бошлиғи Неймат Расулов. – Шаҳарнинг қоқ ўртасидан ўтувчи ушбу йўл торлиги ва ша-

ҳарда транспорт қўлиғи боис у ҳайдовчиларга бир қанча қийинчилик туғдирарди. Чунки юқорида айтиб ўтганимиздек, тор ва аҳоли зич жойлашган шаҳарни кесиб ўтувчи йўл жаҳон андозаларига жавоб бермасди. 2005 йилда мамлакатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Ашқобод йўлининг 73-84-километрида қурилиш ишлари бошланди, янги йўл курилиши учун 9 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, яқиндан бошлаб ишга тушган янги йўл тўлиқ халқаро қатнов талабларига жавоб беради. Шунингдек, ушбу йўлдан оғир юк транспортлари ўтиши ҳисобга олиниб, йўл икки қатламдан иборат, тошбетон ва қорабетон қопламаси билан қорилган асфальтдан қурилади. Йўл ўртасига бетон тўсиқлар ўрнатилиб, ҳайдовчиларнинг ва автомобилларнинг хафасизлиги тўла таъминланди.

Айланма йўл курилиши муносабати билан ушбу ҳудудда 3 та кўприк, 2 та кичик ҳалқа йўл, замон талабига жавоб берадиган бир неча автобекет, қатор маънавий ва савдо шикоятлари ҳам қад ростланди. Йўлнинг икки четига тунги чиқоқлар ўрнатилиши эса, унинг чиройини янада очиб юборди.

Янги йўлнинг яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, йўл Каттақўрган туманининг Абдуқосим, Кичикқўрпа, Селпон, Мухтор, Ерматқози, Полвонтёпа каби қишлоқларининг янада обод бўлишига ҳам хизмат қилади. Шуни алоҳида қайд этиб ўтишни истардимки, бу ўзгаришларнинг барчаси мустақиллигимиз медаларидир...

Дарҳақиқат, янги айланма йўлнинг куриб, фойдаланишга топширилиши ҳаётимизнинг фаровонлиги, элимизнинг тинчлиги ва осоийталиғига натижасидир. Зеро, кекаларимиз айтганларидек, йўллар қанчалик раво бўлса, кўнглилар шунчалик қарогон бўлади!

**Азим ҚОДИРОВ,**  
**«Инсон ва қонун» муҳбири**



# Тизим Тадбирлари

## Маънавият сабоқлари ЭЛ ЭЪЗОЗИДА



**Адлия вазирлигида элимизнинг ардоқли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова билан учрашув бўлиб ўтди.** «Маънавий тарбияда санъатнинг ўрни» мавзусида ўтказилган мазкур учрашувда санъат устаси Коммуна Исмоилова узок йиллик фидокорона меҳнати давомида кўпчиликка ибрат бўладиган ҳаёти тажрибалари, юрт учун мурак



каб кечган йиллар мисолида тинчлик-осойишталик, бугунги дорилоним кунларнинг беқиёс қадр ҳақида сўз юрпти. Кишиларимиз, айниқса, ёшларнинг маънавияти, ёш авлодни эл-юртга садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий санъатимизнинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлади.

Шавкат САТТОРОВ, «Инсон ва қонун» муҳбири

## ЭЪТИРОФ

«Конституция — ҳуқуқий кафолатимиз», мавзуда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан ўтказилган байрам тадбири истиқлол инояти бўлиши Бош Қомусимизга бағишланди.



Илмий-амалий анжумани бошқарма бошлиғи Х.Файзиев табрик сўзи билан очди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор Эркин Юсупов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари, юридик фанлари номзоди Шоира Умарова иштирок этди.

Тадбир якунида бир гуруҳ адлия бошқармаси ва унинг қўйи тизими ходимлари соҳадаги муносиб хизматлари учун Адлия вазирлиги ва бошқарманинг Фахрий ёрликлари билан тақдирландилар.

Аброр БЕРДИЕВ, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими

## САМАРА БЕРАДИ

Жиззах вилоят адлия бошқармаси томонидан тизимдаги ФХДЭ органлари иш юритувчиларининг «Йилнинг энг яхши ФХДЭ бўлими нозирлари» кўриктанови ўтказилди.



Бахslashув сўнггида олий уринга Жиззах шаҳар ФХДЭ бўлими иш юритувчиси Муқаддас Ҳақимова лойиқ деб топилди. У вилоят адлия бошқармаси томонидан рангли телевизор билан тақдирланди. 1-ўрин соҳибаси Пахтакор туман ФХДЭ бўлими иш юритувчиси Ёдгора Хидирова видеомagneтoфон, 2 ва 3-ўрин соҳибалари Дўстлик туман ФХДЭ бўлими иш юритувчиси Шаҳзода Муллабoева ҳамда Мирзачўл туман ФХДЭ бўлими иш юритувчиси Дилнора Ҳақбердиевалар ҳам қимматбахo совгалар билан тақдирландилар. Иштирокчиларнинг барчасига адлия бошқармасининг «Фахрий ёрлиги» ва ҳoмиyлар мукофoтлари топширилди.

Танловда йигилганлар шу каби тадбирлар соҳа мутахассислари малакаси, иш-тажрибаси учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Матлуба ЎРОЗАЛИЕВА, Жиззах вилоят адлия бошқармаси муҳими

**Мустақил давлат барпо этиш — улкан тарихий воқеа, лекин бундай давлатни мустақамлаш, ривожлантириш мураккаб жараён. Демократик ҳуқуқий давлатда барча муҳим ижтимоий муносабатлар қонунлар орқали тартибга солинишини инобатга оладиган бўлсак, қабул қилинаётган қонунларнинг пойдевори Конституция эканлиги эътироф этишимиз жоиз.**

Аҳолининг фаровон ҳаёт кечиршини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар замирида халқнинг ижтимоий муҳофазаси энг асосий вазифалардан бири этиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси эса, фуқароларнинг ижтимоий соҳадаги ҳуқуқларини ҳимоялаш ва таъминлашнинг ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилмоқда. 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номлангани ва бу ҳақда махсус Давлат дастурининг қабул қилиниши ушбу соҳадаги саъй-ҳаракатларимизга мустақам пойдевор ясади. Давлат дастурининг ҳаётимизга изчил жорий этилиши эса, ўз навбатида, ҳукумати томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топомқда. Таъкидлаш жоизки, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига давлат томонидан қўрсатилган гамхўрлик жамиятда кучли ижтимоий табақаланишнинг олдини олади. Шу сабабли, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида аввало, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ота-онасиз қолган етимлар, ногиронлар, талабалар ва пенсионерларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга катта аҳамият берилаяпти. «Ижтимоий ҳимоя йили»

# КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали фуқароларнинг турмуш даражасини янада юксалтириш, уларнинг фаровон турмуш кечирishiлари учун шарт-шароитларни муттасил кенгайтириб боришда салмоқли ишлар қилинди ва бу жараён ҳозиргача давом этмоқда. Хайрия тадбирлари орқали кам таъминланган оила ва ёрдамга муҳтож кишиларга моддий ва маънавий ёрдам қўрсатиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 мартдаги «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустақамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кўра, 28 та «Меҳрибонлик уйи», шунингдек, 86 та санаторий типидagi ҳамда жисмоний ва руҳий ривожланишдан орқад қолган болалар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни капитал таъмирлаш, жиҳозлаш, улар учун микроавтобуслар сотиб олиш мақсадида дав-

лат бюджетидан қўшимча 8,2 миллиард сўм, болалар, қариялар ва ногиронларнинг «Муруват» ҳамда «Саховат» интернат-уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказларини капитал таъмирлаш, жиҳозлаш,

уч йиллик, молиявий истемол кредитлари бўйича олти ойлик имтиёзли давр белгиланади. Бош Қомусимиз қабул қилинган кундан буён ўтган 15 йил мобайнида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини том маънода таъминлаш борасида

дор бўлган бир қатор институтлар фаолият юритиб келаятганини айтиб ўтиш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази,

уларнинг таъминотини янада яхшилаш учун жорий йилда давлат бюджетидан ҳисобидан қўшимча 5,2 миллиард сўм йўналтириш кўзда тутилди. «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармонининг қабул қилиниши ёш оилаларнинг ҳаётга дадил одимлар қўйishiларига замин ҳозирлади. Фармонга кўра, юртимиздаги кам таъминланган оила фарзандлари, ёш оилалар давлатимиз томонидан моддий ва маънавий ёрдам олишда бир қатор имтиёزلарга эга бўлди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2007 йил 9 июндаги 17/2-сон қарори билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан, ёш оилаларга мақсадли микрокредитлар берилмоқда. Бунда ёш оилаларга бериладиган ипотека кредитлари учун

ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Асосий Қонунимизнинг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги 2005 йил 1 августдаги ПФ-3641-сонли Фармони-нинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг гуманизм ғояларига содиқлигини яна бир бор намоён қилди. Мазкур Фармонга кўра, Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг 1 январидан жиний жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинади ва унинг ўрнига умрбод ёки узок муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилади. Шу ўринда Конституцияимизда мустақамлаб қўйилган нормаларни дастуруламаб қилган ҳолда, республикаимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашга алоқа-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кузатувчи миллий институтлар сифатида фаолият юрсатиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ҳам шулар жумласига кирди. Конституцияимизни бошқа давлатлар Конституцияларидан фарқлайдиган эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, Бош Қомусимизда оила институтига алоҳида урғу берилган. Хусусан, 63-моддада: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», — деган қоида мустақамлаб қўйилган. Зотан, агар оила фаровон бўлса, жамият фаровон бўлади, ўз навбатида, жамиятнинг фаровонлиги халқ, миллатнинг фаровонлигини таъминлайди. **Файрат АБДУЛЛАЕВ, Адлия вазирлиги масъул ходими**

**Мустақиллик яратган беқиёс имкониятлар туфайли мамлакатимизда инсон манфаатлари, тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилувчи эркин, очик ижтимоий-сиёсий тизим барпо этишни таъминловчи кенг қамровли демократик ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон миллий ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қурилишида халқро тан олинган демократик тамойилларга, ривожланган демократик давлатлар тажрибасига ҳамда кўп минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихи ва ўзига хос миллий, маънавий, ахлоқий қадриятларга таянди.**

# ҚОНУНИЙЛИК

Конституция давлатнинг асосий қонуни ҳисобланади. Айтиш жоизки, Бош қомусимизда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий асослари, сиёсий тизими, давлатда ишлайдиган халқнинг маънавияти негизлари, маданияти каби умумий масалалар теран ифодасини топан.

Ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёнида қонун одамлар қатъий амал қиладиган, асосий қадриятлардан бирига айланади. Эркин ва озод жамият барпо этиш сари одимлаётган мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистон мисолида олиб қарайдиган бўлсак, бу жараён бир қатор ўзига хос тамойил ва хусусиятларга эга эканлигини кўриш мумкин.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, ҳар бир қонун муайян ижтимоий самарага эришиш учун қабул қилинади ва жамият ҳамда давлат манфаатларини амалга оширишнинг ўзига хос восита сифатида намоён бўлади.

Шу маънода Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви фаолиятини тартибга солиш учун қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, бу қонунчиликнинг асосини — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади.

Конституциянинг 15-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари устуңлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Демак,



ҳуқуқий муносабатларни йўлга солиди, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қиладиган, эркин демократик жамиятнинг ҳал қилувчи омилли ҳисобланади, жамиятни озод ва обод ҳаёт сари бошлайди. Мамлакатимиз Конституцияси давлатимиз суверенитетининг эркин тисолидир. Унда мамлакатимизнинг тарақиёт йўли ўзининг аниқ ифодасини топан.

Ҳар бир давлатнинг қадр-қиммати, халқро ҳамжамиятдаги ўрни ва салоҳияти унинг Асосий Қонуни — Конституцияси билан белгиланади.

Чунки, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Конституция давлатни давлат, миллий миллат сифатида дунёга танитадиган Қобусномадир.

**Зиёдулла ЙўЛДОШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма терговчиси**

## ҲАР СЎРОВНИНГ ЖАВОБИ БОР

### ШАРТНОМА ТУЗИШ МАЖБУРИЙМИ?

*Мен Озарбайжон Республикасининг фуқаросиман, лекин бир неча йилдан буён ота-онам билан Тошкент шаҳрида яшайман. Бу йил мактабимни 9-синфини тамомладим ва Озарбайжон Республикасининг фуқаролик паспортини олдим. Мен лицейга ўқишга кирмоқчи эдим, лекин лицей билан шартнома тузишим кераклигини айтишди. Лицей маъмурияти ўқини давомида 1.000 доллар контракт тўловини амалга оширишим лoзимлигини тушунтирди. Бу тўғрими? Борди-ю, шундай бўлса, мактабга қайтаб, 10,11-синфларни ўқисам бўладими? Ахир, мен мактабда бепул таълим олганим-ку?!*

**Камран ХАЛИЛОВ, 1990 йилда туғилган, Тошкент шаҳри**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасига асосан «**Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.**» Шунинг учун сиз ўрта мактабда бепул тахсил олгансиз. Агарда сиз ўрта махсус

иловасига асосан Ўзбекистон Республикаси «**Ўрта махсус таълим муассасаларида бир нафар хорижлик ўқувчиси бир йиллик ўқитиш қиймати 1000 АҚШ доллари**» этиб белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 июлдаги ПҚ-427-сон Қарорига асосан 2006-2007 ўқув йили учун Тошкент шаҳри бўйича 42 та мактабда 10-синфларга ўқувчиларни қабул қилиш сақлаб қолинган бўлиб, ушбу умумтаълим мактаблари рўйхати кўрсатилган.

**Меҳрибон АББАСОВА, Адлия вазирлиги катта маслаҳатчиси**

**А** жойиб аънаналарга йўрилган юртимизнинг қутлуғ байрамлари орасида Конституция қабул қилинган кун алоҳида аҳамият касб этади. Зеро мустақиллигимизни мустақамлаш, давлат асосларини такомиллаштириш, жамиятни демократлаштириш борасидаги муваффақиятларимиз замирида Асосий Қонунимизнинг мукамал равишда яратилганлиги ҳам мужассамдир.

# КОНСТИТУЦИЯ ВА МАФКУРА



Таъкидлаш жоизки, айнан Конституцияимизга асосланган ҳолда мустақилликнинг дастлабки даврида демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш бош мақсад сифатида белгилаб олинди.

Конституцияимизнинг бош мақсади — инсон манфаатларига хизмат қилишдир. Дарҳақиқат, Асосий Қонунимизда инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлиги мустақам кафолатланган. Инсон омилли масаласи Конституциянинг 60 га яқин моддаларида қайд этилган.

Унинг 40-моддасида «**Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга**» эканлиги ёзиб қўйилган. Шу боис соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, соғлом авлодни тарбиялаш, тиббий элмат сифатини янада ошириш юзасидан давлат микёсида махсус дастур ишлаб чиқилиб, муваффақиятли равишда ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Билим олиш ҳуқуқлари Конституциянинг 41-моддасида ҳар бир шахсоннинг билим олиш ҳуқуқига алоҳида кафолатлаб қўйилган. Унда жумладан, шундай дейилади: «**Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.**»

Конституция негизда тайёрланган «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонун бугунги

кунда таълим-тарбия сифати, ёшларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини ошириш, улар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, таълим муассасаларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Конституцияимизнинг 12-моддасида: «**Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас**», деб белгилаб қўйилган.

Бу халқро майдонда мафкуравий, ғоявий ва ахборот воситалари кураши кучайиб бораётган даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантиришни тақозо этади.

Конституциянинг тегишли моддаларида касбни эркин танлаш, меҳнат қилиш, ишсизликдан муҳофазат этилиш ҳуқуқлари белгиланган.

Унда фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари сифатида дам олиш, таътил даврида иш ҳақининг сақланиши, қариган чоғида, меҳнат лавқатини йўқотганда ва қонунда белгиланган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқлари белгилаб қўйилган.

Конституцияимизда алоҳида урин акраитилган жамоат бирлашмалари

Ўзбек давлатчилигини такомиллаштиришда ва фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим аҳамиятга эга.

Бу ўринда ўзбек халқи менталитети ва азалий қадриятларимиздан келиб чиқиб, махалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинларининг ролига алоҳида эътибор

берилган. Илк бор Конституцияда давлатнинг айрим функциялари нодавлат тузилмалари зиммасига оқлатилган.

Конституцияимизда иқтисодиётни эркинлаштириш борасида мулкчилик муносабатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишига алоҳида урғу берилган.

Мазкур нормалар мамлакатда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантириш воситасида мамлакатимизнинг иқтисодий тарақиётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу сабабдан ҳам бу борада қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорларда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш масалаларига жиддий муносабат билдирилиб, эркин бозор муносабатларига ўтишга, мулкдорлар табақасини шакллантириш, хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилди.

Конституция айни вақтда фуқаролар зиммасига қатор мажбуриятлар ҳам юклайди. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этиши, бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, Ўзбекистоннинг тарихий-маданий меросини авайлаши, солиқ ва йиғимларни ўз вақтида тўлашлари шарт. Ҳарбий ва муқобил хизматни ўташ шарафли бурч ҳисобланади. Ҳуқуқий давлат барпо этиш борасидаги муҳим вазифаларимиздан бири жамият ҳаётининг ҳуқуқий мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини англаш, ҳар бир фуқаронинг амалий ҳаётдаги қўлланмасига айлантиришидир.

Конституцияимиз Ватанимиз буюк келажagini барпо этиш, халқимиз фаровонлигини, эл-юрт тинчлигини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини шакллантиришда бундан буён ҳам асосий ҳуқуқий мезон бўлиб қолаверди.

**Дилноза ДЕҲҚОНОВА, ТДЮИ 1-курс магистранти**

Энди нурлар таралайдир,
Ҳаққа етай ҳар хитобим.
Сўз дурдан ярагандир —
Йўл кўрсатар Бош Китобим.

Инсоният доимо ҳақиқат ва адолат, ҳурлик ва тенгликка интилиб яшаган. Шунинг натижаси ўларок, «халқ иродаси», деган тушунча ва конституциянинг илк намуналари таркиб топти. Асрлар мобайнида конституция давлат ва жамият тузилиши асосларини умумий тарзда белгилаб берадиган ягона ҳуқуқий манба сифатида шаклланди, халқ хоҳиш-иродасининг ифодасига айланди. Конституциявий назорат эса мазкур ҳужжатнинг устуворлигини таъминлайдиган бўлди.

қонунлари оёқ ости қилинди, маданий қадриятлар топталди. Шу билан бирга, истибодда қарши йўналтирилган халқ ҳаракатлари авбоси бостирилди.

# МУҚАДДАС ҚАДРИЯТЛАР ТАЖАЛЛИЙСИ

маҳаллий миллат вакилининг йўқлиги большевикларнинг мазлум ўқлар аҳолисига ишончи йўқлигидан далolat эди.

қиллик декларацияси қабул қилинди. 1991 йил 31 августда, ҳали шўро тузумининг захри кетмаган, унинг темир исқанжалари ҳали бўғимиздан тўтиб турган бир пайтда Президентимиз томонидан Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинди. Бу эса Президентимиз томонидан пухта ўйланиб, мамлакатни озодликка олиб чиқадиغان йўллар, сиёсий-иқтисодий асослар белгилаб олинганидан кейин рўй берган оламшумул воқеа эди.

риятларини мужассамлаштирганини асослаб берди.

## Бадиъа

Ҳар жулмаси мухтасару —
Ҳар бандида ҳарорат.
Кўҳна Турон аҳли учун
Эзуликка қафолат.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида мустақил Ватанимизнинг Асосий Қонуни — Конституциямиз қабул қилинди.

ҳақиқат, соҳибқирон Амир Темур тузуқларига шарқона маданиятга монанд конституциявий ҳужжат сифатида қаралган. Шунинг учун ҳам, Темир тузуқлари, Навоий "Ҳамса"-си, "Бобурнома", "Зафарнома" ва бошқа манбалар мазмуни ҳам Конституциямиз матнига сингдирилгани бежиз эмас.

Бу омонат сарзаманда
Қалқаб тургайдир чаман.
Истиқлолни манзу бўлсин,
Бош Китобим, бул омон.

Фарблик олим Томас Мор ре-
нессанс, яъни, уйғониш даврининг бош мезонига қура, инсон ҳаётининг қадрини ҳатто дунёдаги ҳам тенглаштириб бўлмайдми, деб ёзган эди. Ана шу улуг қадриятнинг муҳофазаси қилиш мақсадида дунё мамлакатларида конституциялар пайдо бўла бошлаган. АҚШда 1787 йили, Бельгияда 1831 йили, Швейцарияда 1874 йили дастлабки конституциялар қабул қилинган. Шу маънода, Соҳибқирон бобомизнинг «тузуқлари» наинки Мовароуннаҳрда, балки бутун дунёдаги дастлабки конституциялардан бири эканлигини инкор қилиб бўлмайдми. "Салтанат қуриш, давлат тузиш ишларини бир неча тузуқка боғладим ва салтанатнинг бошқариш ҳақида қўлланма ёзиб қолдирдим", — дейди мазкур манбада Амир Темур. — Токи... толеи баланд миллатнинг шарофатини, давлат ва салтанатни сақлағайлар". Миллатнинг улуг мартабасини, саодатини сақламок, адолат ва озодлик буюк соҳибқирон фаолиятининг бош мезони бўлган.

Беғубордир осмонимиз —
Мангу норлар бу офтоб.
Далимизда Қурбонимиз —
Қўлимизда бош Китоб.

Исматулло Йўлдошев,
Самарқанд вилояти
прокурорининг
катта ёрдамчиси,
адлия маслаҳатчиси

С оҳибқирон Амир Темур Сароймулк хонимини ўз никоҳига олган, «қўрагон» унвонига мушарраф бўлди. Қўрагон ибораси мўғулча сўз бўлиб «қув» деган маънони ифодалайди. Сароймулк хоним мўғул хонларидан бирининг қизи бўлганини туғайли Амир Темур мўғул хонининг қувани, яъни, «Темур қўрагон» номини олган эди. Амир Темур маликани ўз никоҳига олгунга қадар унинг ҳарамиди бошқа хотинлари ҳам бўлган. Лекин ҳон авлодида мансуб Сароймулк хоним ҳарамдаги барча маликалардан фарқли равишда «катта хоним» ёхуд «Бибиҳоним» деган унвонга сазовор бўлади.

# Шарқнинг порлоқ юлдузи САРОЙМУЛК ХОНИМ

Албатта бундай мартабага эришиш, ҳукмдор эъзозига лойиқ бўлиш учун ақл-заковат, дид-фаросат соҳибаси бўлиши лозим. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Сароймулк хоним нозик дид ва фаросати билан ўзгалардан ажралиб турадиган, хусн-лафотат ботида ҳам бе-назир аёллардан эди. Шунингдек, у мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий, иқтисодий ва маданий ҳаётдан яшиқгина хабардор бўлиб турар, айниқса, илм-маърифатга алоҳида эътибор ила қарар, толиби илмларга ҳомилиқ қилар эди.



бу маблагни мадраса қуришига сарфлайди.

Сароймулк хоним қурдирган мадраса XIV аср охири ва XV аср бошларида Самарқанддаги мадрасалар орасида улкан ва маҳобатлилиги билан ажралиб турган. Мадра-сага замонасининг етук му-дarrisлари тайинланиб, улар толиби илмларга диний ва дунёвий илмлардан дарс берган-лар. Малика эса мадраса то-либи илмларнинг аҳолидан тез-тез хабар олиб, уларга доимо ҳомийлик қилиб тур-ган.

Афсуски, мадраса биноси хусусматлар заволига айланди. У XVI аср охирида Бухоро Амри Абдуллахоннинг те-мурийларга нисбатан бўлган ху-сумати туғайли, махсус фар-мон билан буздириб ташла-нади. Фақат унинг ёнида қурилган мақбарасига сақ-ланиб қолган.

Самарқандда машҳур Би-биҳоним масжиди жомеъси ҳам бор. Бу масжидни Амир Темур Хиндистон юришидан қайтиб келган, 1399-1404 йил-лар мобайнида ўзининг су-юк-ли бекаси бўлиши Сароймулк хонимга атаб қурдирган. «Би-биҳоним» номи билан маш-ҳур бўлган, Марказий Осиёда-ги обидаларнинг энг ирғиғи саналган ушбу жомеъ мас-жиди ҳозиргача сақланиб қол-ган.

Даврлар ўтиши билан зил-зилалар таъсирида масжид айна пугурдан кетиб, вай-ронага айланган. Бирок у ҳа-мон ўз салобатини эслайтиб тур-ди.

Соҳибқирон Сароймулк хонимдан фарзанд қўрмаган. Аммо Соҳибқирон ўз ўғли Шохруҳ Мирзонини, суюкли на-биралари Муҳаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзо ва бошқа шах-зодаларнинг тарбиясини бе-восита малика иқтиёрига топ-ширган эди. Бундан шунча ан-глаш мумкинки, Амир Темур Сароймулк хонимни жуда ҳур-мат қилган ва ардоқлаган.

Иззат АХМЕДОВ
тайёрлади

# МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибалари, миллий ўзига ҳослиги, урф-одат ва анъаналари, халқро ҳуқуқнинг умумий эътирофи эътибор қондалари ривожланган демократик давлатларнинг илгор тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.



Унда ҳозирги замон конституцияларидаги умуминсоний, умумидемократик қадриятлар ва халқро ҳуқуқнинг энг муҳим мевёлари мужассамлашган.

Миллий демократик тараққийт жамиятга миллатлар ва элатларнинг тотув-лигига, ҳамкорлигига, бағрикенглик та-моийлига асосланган байналмилал му-хитнинг қарор топишига боғлиқдир.

Ҳозирги кунда Президент сайлови-га тайёрларлик ишлари шунча кўрсат-моқдаки, республикада фуқаролар-нинг маънавий, сиёсий, ҳуқуқий са-ви-яси ўсган.

# ИНСОНПАРВАР ҚАРАШЛАР МУЖАССАМ

Конституция — шахс дахлсизлигининг устувор тамойилларини ўзида акс эттирди. Яшаш ҳуқуқи, шахсий ҳаёт, жисмоний, маънавий дахлсизлик, мулк ва турар жой дахлсизлиги шахсий ҳуқуқ ва эркинлик сифатида тан олинди.


Конституция — шахс дахлсизлигининг устувор тамойилларини ўзида акс эттирди. Яшаш ҳуқуқи, шахсий ҳаёт, жисмоний, маънавий дахлсизлик, мулк ва турар жой дахлсизлиги шахсий ҳуқуқ ва эркинлик сифатида тан олинди.

Унда ҳозирги замон конституцияларидаги умуминсоний, умумидемократик қадриятлар ва халқро ҳуқуқнинг энг муҳим мевёлари мужассамлашган.

# ЧАКМОҚТОШ

АНТИСФЕН
(Милoddan аввалги 444-366 йиллар)

А нтисфен — милoddan аввалги V-IV асрларда яшаб ўтган юнон филолофи. У аввалда филолоф Хорейнинг шоғирди бўлган. Кейинчалик Сукротдан илм ўрганган.



Антисфеннинг қуйдаги асарлари маълум: «Ҳақиқат», «Фикр ва билан ҳақиқат», «Савол ва жавоб ҳақида», «Севгия, никоҳ ва фарзандларнинг дунёга келиши ҳақида», «Горакл».

# ЭЪЛОН!

Анджир вилоят адлия бошқармаси Марҳамат ту-ман 1-сон давлат нотариал идораси Бандихон ту-ман давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига

ЮНУСОБОД ТУМАНИДА ЯШОВЧИ ТАДБИРКОРЛАР ДИҚКАТИГА! МЕХНАТ ДАФТАРЧАНГИЗНИ СТАЖ ЮРИТИШ УЧУН ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ БЎЛИМИГА ТОПШИРИШИНГИЗ СЎРАЛАДИ.

ИНСОН ва ҚОНУН
Баш муҳаррир: Кўчкор НОРҚОБИЛ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Навбатчи: ЕРБЕК ИСКАНДАРОВ
Индекс: 646882
МАЪНАВИЙЛИК: 100047, Тошкент ш. Сайитхоқ кўчаси-5.